



# POSTDA



O'zbekiston Respublikasi IIV nashri

2010-yil

Du	Se	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya	Du	Se	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya	Du	Se	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya	Du	Se	Ch							
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31

Март

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqqan boshlagan • E-mail:urmvd@inbox.uz • №10(3851)

## ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Мунис ва муҳтарам онахонлар!  
Қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Барчамиз ҳамisha соғиниб, орзиқиб кутадиган мана шу илк баҳор кунларида, табиат очилиб, кунгиллар шодлик ва қувончга тўлиб бораётган шу фусункор айёмда сиз, азизларимни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон хотин-қизларини кутлуғ сана – 8 март байрами билан самимий муборакбод этишдан бахтиёрман.

Сизларга қалбимиз тўрида бўлган энг эзгу тилаklarимиз, чуқур ҳурмат ва эҳтиромимизни изҳор этиш учун барчамизга, аввало, эркак зотига яна бир имкон берадиган, бамисоли кўккам элчиси янглиғ кириб келадиган бу байрам баҳорнинг ўзи каби қадрли ва севимлидир.

Баҳор тимсолида табиат гўзаллиги, унинг бор сеҳри ва жозибаси қанчалик яққол намоян бўлса, аёл тимсолида энг юксак инсоний фазилатлар шу қадар ёрқин намоян бўлади. Биз одатда табиат, ер, тил ва Ватан каби муътабар тушунчаларни "она табиат", "она ер", "она тили" ва "она-Ватан" деб улуғлаймиз, уларни азиз ва меҳрибон оналаримизга қиёс этамиз. Ва бу қиёсланишнинг жуда чуқур ички маъно-мазмунли борлигини англаш, тушуниш қийин эмас, деб ўйлайман.

Аёл зоти ўзининг нафосати ва латофати, муҳаббати ва садоқати, оналик меҳри билан томи маънода Яратганнинг тенгсиз мўъжизасидир.

Кўнглимиз фаршатиш, хонадонимиз чирроғи, оила таянчи бўлган аёл сиймоси халқимиз тасавурида азал-азалдан эзгулик ва фидойилик тимсоли бўлиб келади. Бунинг тасдиғини эл-юртимизнинг миллий тарихи, ҳаёт ва тафаккур тарзида, аёл шайини улуғлаб, гўзал қасдидалар яратган мумтоз адабиётимиз саҳифаларида яққол кўриш мумкин.

Бизнинг аёлларга муносабатимиз, ҳеч шубҳасиз, ана шундай юксак мезонлар негизда камол топади бўлиб, аёл зотига беқиёс ҳурмат ва эҳтиром намунасини бошқалар балки биздан ўрганиши керакдир.

Орадан йиллар, асрлар ўтади, лекин онани, аёлни доимо эъзозлаб, ардоқлаб яшашга интилиш туйғусини болаларимиз ва набибаларимизга, келгуси авлодимизга бевазол етказиш биз учун энг олижаноб, энг буюк вазифа бўлиб қолиши зарур, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз опа-сингиллар!  
Биз ўз мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлаб юртимизда демократик давлат, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини юксалтириш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, қобилият ва имкониятларини рўйбга чиқариш, бир сўз билан айтганда, аёлларимизни жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли, фаол ва бунёдкор аъзосига айлантириш борасида қандай улкан ишларни амалга ошириб келаётганимиз ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳоҷати йўқ.

Бундай сиёсатнинг амалий самарасини бугунги кунда олий қонунчилик идоралари, жойлардаги вакиллик органлари ва

ижро ҳокимиятидан тортиб суд-ҳуқуқ соҳасида, маҳаллий ва ўзини ўзи бошқариш тизимлари, нодавлат ташкилотлар, ижтимоий тўзимлар фаолиятида, мухтасар айтганда, ҳаётимизнинг барча босқичларида кўриш, кузатиш мумкин.

Шуниси эътиборга сазоворки, хотин-қизлар юртимиздаги ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этиш билан бирга, ўзининг билими, профессионал малакаси ва маҳорати ҳисобидан кўпгина жаҳонда етакчи мавқеаларни эгаллаб келмоқда. Бугунги кунда ҳаётимизда тобора катта ўрн олаётган фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, илму фан, тиббиёт, таълим-тарбия, маданият ва санъат каби ўнлаб муҳим соҳа ва тармоқлар ривожини аёлларнинг иштирокида тасаввур этиб бўлмайди.

Биз мамлакатимизнинг ёруғ келажакни кўзда тутиб тугган 2010 йилни юртимизда "Баркамол авлод йили" деб эълон қилдик. Бу қароримизнинг маъно-моҳиятини лўнда қилиб ифода этадиган бўлсак, кўп марта такрорланган бир ҳақиқатни яна бир бор таъкидлашга тўғри келади.

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик ҳукмронлиги кўндаланган аср. Кимки, қайси жамият ва ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмас, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш унинг кўндаланган ҳаёт мазмунига айланмас, бундай жамият жаҳон тараққоти йўлидан четда қолиб кетиши мўжаррар.

Биз ўз олдимишга ана шундай ўта мураккаб мақсадни қўяр эканмики, бундай улғу вазифани адо этиш, ҳар томонлама баркамол

авлодни тарбиялашда аёлларимизнинг ўрни ва таъсири, буюк ҳиссасини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди. Яъни, эртанги кунимизнинг мустақкам ва ишончли пойдеворини бунёд этишда айнан аёл зоти ҳал қилувчи куч, чинакам таянчимиз ва сўянчимиз бўлиб майдонга чиқишини барчамиз ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

**Фақат соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади. Фақат ақл-заковатли, маърифатли оналаргина комил инсонларни тарбиялашга қодир бўлади.**

Ана шу ҳақиқатни чуқур англаган ҳолда, мамлакатимизда аёлларнинг саломатлигини мустақкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмоний, интеллектуал ва маънавий жиҳатдан етук ёш авлодни вояга етказишга қаратилган, узоқни ўйлаб, пухта ишлаб чиқилган ва ҳаётга изчил жорий этилаётган дастур ва тадбирларимиз бугунги кунда ўзининг дастлабки самарасини бераётгани барчамизни қувонтиради.

Бу ҳақда узоқ гапириш, кўп мисолларни олиб келиш мумкин, лекин мен фақат учта муҳим йўналиш бўйича баъзи рақамларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Кейинги уч йил мобайнида мамлакатимиздаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, олий ўқув юртлири талабалари жаҳон миқёсида ўтказилган нуфузли фан олимпиадаларида голиб бўлиб, жами 41 та медални кўлга киритган бўлса, уларнинг 8 таси қизларимиз ҳиссасига тўғри келади.

Эки санъат ва мусиқа соҳасида дунёнинг Париж, Рим, Берлин, Токио, Москва, Пра-

га, Қоҳира, Сеул, Дехли каби йирик маданият марказларида бўлиб ўтган халқаро кўриқ-танловларда 273 нафар ўқувчи ва талабамиз голибликка эришгани ва уларнинг 153 нафари қиз болалар эканини катта мамнуният билан таъкидлаш ўринлидир.

Ана шу охириги уч йил мобайнида 1 миң 464 нафар истеъдодли спортчи ёшларимиз халқаро мусобақаларда зафар қозонган бўлса, уларнинг 448 нафари айнан қизларимиз экани албатта барчамизга гурур ва ифтихор бағишлайди.

Айтинглари, азизлар, бундан ўн беш-йигирма йил олдин ўзгалар ҳавас қилмаган бундай улкан уфқ ва марраларга етишни тасаввур қилиш мумкинми? Очiq айтиш кераки, буларни фақат ширин тушларимизда кўришимиз мумкин эди, холос.

Шу борада бугун яна бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз керак. Биз болаларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб ўсишига қанча эътибор, куч ва маблағ сафарбар этсак, юртимиздаги ёш талантларнинг ноёб истеъдоди очилишига қанча кўп имконият тугдириб берсак, ҳеч шубҳасиз, фарзандларимизнинг илму фан, санъат, спорт ва бошқа соҳалар бўйича жаҳон шохустиқларига кўтарилиши учун шунчалик мустақкам замин яратилади, иншооллох. Мен бунга қатъий ишонаман.

Бундай юксак ва эзгу марраларга эришишда аввало баркамол хотин-қизларимиз ва барқарорлик, аҳоли ва ҳамжихатлик муҳитини мустақкамлаш, иқтисодий жиҳатдан сурьатлар билан ривожлантириш, юртимизни янада обод ва фаровон этиш масаласи биз учун

домий устувор вазифа бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Албатта, бундай сиёсатни янада кучайтириш, унинг самарасини оширишда хотин-қизларнинг мавқени, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий нуқтан назардан юксалтириш ана шундай муҳим вазифаларимиз қаторига киради.

Фурсатдан фойдаланиб, мен юртимизнинг барча мард ўғлонларини аёлларга фақат байрам кунларида эмас, балки ҳамisha ҳурмат ва эътибор кўрсатиб яшашга, айнан шундай ёндашувни ўз бурчимиз деб билишга ва уни ҳаётимиз мезонига айлантиришга давлат этмоқчиман.

Токи аёлларимиз биздан рози ва мамнун бўлиб, бахтли ҳаёт кечирсин. **Зеро, оналарнинг, аёлларнинг бахти – оиланинг, халқимизнинг, бутун Ўзбекистонимизнинг бахтидир.**

Қадрли опа-сингиллар!  
Бугунги байрам шодиёнасида сиз, муҳтарам аёлларимизнинг фидойи қалбини, беминнат меҳру муҳаббатингиз учун сизларга ҳар қанча ташаккур айтсак, таъзим қилсак арзийди.

Яна бир қарра самимий табригимни қабул этгайсиз.

Иқболнингиз баланд, умрингиз узоқ, ризқу насибанингиз зиёда бўлсин!

Бахтимизга ҳамisha омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

Ислом ҚАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

### 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни

**Аёлни гулга, баҳорга қиёслашди. Илк баҳор кунларининг муҳтарам оналаримиз, назокатли ва латофатли аёлларимиз, меҳрибон опа-сингилларимизнинг байрами билан бошланиши ҳам бежиз эмас. Бу шуқудли байрам тимсолида баҳор ва аёл тушунчаларининг ўзаро ҳамоҳанглиги, маъно-мазмунининг узилмас ришта-лар билан боғланганлигини ҳис этамиз.**



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI IIV ҲАЙЪАТИ МАЖЛИСИ

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳайъатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда ички ишлар идораларининг масъул ходимлари ва соҳавий хизматлари раҳбарлари иштирок этишди.**

Ҳайъат йиғилишини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлубов кўриш сўзи билан очди ва олиб борди. Ҳайъат раиси кўн тартибидидаги биринчи муҳим масала – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий йўналишлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидлаб ўтилган фикр-мулоҳазалар тўғрисида тўхтади.

Давлатимиз раҳбарининг маърузасида мамлакатни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилишнинг тўғри танланган стратегияси, қабул қилинган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш борасида 2009 йил куч ва имкониятларнинг сафарбар этилиши тўғрисида глобал оқибатлари ва таҳдидларига нафақат бардош беришга, балки иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг барқарор сурьатларини, ҳалқ тинчлиги ва фаровонлигини оширишга муваффақ бўлишнинг қайд этиб ўтилганлигини таъкидлади.

Бу борада ички ишлар идоралари кўрсатмалар берди. Жумладан, Ватанимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларни давом эттириш, биринчи навбатда, ҳалқ дарди билан яшаш ҳар бир ички ишлар идоралари ходимининг қалб шioriга айланмоғи лозимлигини таъкидлади.

Шунингдек, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларни бажариш учун давлатимиз томонидан **8 триллион сўм** атрофидаги маблағ ажратилгани ҳақида гапирар экан, фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб,

XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун бор куч ва имкониятларни ишга солишимиз лозимлигини таъкидлади.

Шу билан бирга, 2010 йилнинг ўтган даври мобайнида республика-мизда жиноятчиликка қарши кураш ишларининг аҳоли ва уни тақомиллаштириш чора-тадбирларига эътибор қаратиб, ички ишлар идоралари томонидан бу даврда жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш, ёнғин хавфсизлиги, фуқароларнинг тинчлигини таъминлаш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш борасида муайян ютуқлар кўлга киритилганини таъкидлади. Шунингдек, ҳисобот даврида баъзи камчиликларга ҳам йўл қўйилганлигини қайд этар экан, айрим минтақаларда тоғли ҳудудлардаги терроризмга қарши кураш бўлимларининг ишларини ташкиллаштириш, гиёҳвандликнинг олдини олиш, тезкор-қидирув, хизматларро ҳамкорликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги саъй-ҳаракатлар талаб даражасида эмаслигини кўрсатиб ўтди. Соҳавий хизматлар фаолиятида кузатилаётган бу каби камчиликларга барҳам бериш, шахсий таркиб ўрта-сида хизмат интизомини яхшилаш хизмат самардорлигини янада оширишда муҳим омил эканлиги эътироф этилди.

Шундан сўнғ ҳайъат йиғилиши кўн тартибидидаги навбатдаги масала – мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларини келгусида ислох қилиш вазифаларини амалга оширишга доир қароридан келиб чиққан ҳолда ички ишлар идоралари олдига турган вазифалар тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Кейин эса ички ишлар идоралари томонидан терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш йўналишида амалга оширилаётган тезкор-профилактик тадбирлар ҳамда келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан ИИВ ЖК ва ТҚКБ бошлигининг биринчи ўрин-

босари, полковник В. Тошматовнинг маърузаси тингланди. Унда республикадаги тезкор вазият, айниқса, терроризм ва диний экстремизмга қарши курашнинг бугунги аҳоли батафсил таҳлил қилиб берилди. Йўл қўйилган камчиликлар танқид қилиниб, келгусида бу борадаги ишларни тақомиллаштириш юзасидан зарурий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 сентябрдаги «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунининг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда келгуси вазифалар юзасидан ИИВ ЕХББ бошлиғи вазифасини бажарувчи, полковник М. Мирфайзиёвнинг маърузаси тингланди.

Йиғилиш сўнғида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасида Наврўз умумхалқ байрамини ўтказишга тайёргарлик қилиш ва айёмини нишонлаш даврида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларига оид қароридан келиб чиқадиган вазифалар кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан ИИВ ППХ ва ЖТСББ бошлиғи, полковник У. Нарзуллаев маъруза қилди ҳамда халқимизнинг байрам тадбирларини тинч ва осойишта ўтказиш мақсадида ички ишлар идоралари ходимлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган асосий чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Ҳайъат йиғилишида Вазирликнинг тегишли бош бошқарма, бошқарма, мустақил бўлим ва хизматлари ҳамда Қоракалпоғистон Республикаси ИИВ, вилоятлар ИИБлари раҳбарлари кўн тартибидидаги масалалар бўйича сўзга чиқиб, бу борада амалга оширилаётган ишлари юзасидан ҳисобот бердилар. Шу билан бирга, Наврўз умумхалқ айёмини тинч-осойишта ва юксак савияда ўтказиш учун барча куч ва воситалар тайёр эканлигини маълум қилдилар.

Танқидий ва талабчанлик руҳида ўтган мажлис якунида ички ишлар идоралари томонидан бажарилиши лозим бўлган келгусидаги долзарб вазифалар белгилаб олинди ҳамда қўриб чиқилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Зикрилла НЕЪМАТОВ.

## НАЗОКАТ ВА НАЗОКАТ БАЙРАМИ

Аёл шайини қанчадан қанча дostonлар, газа-лу ашъорлар битилмасин, дунёда одамзод бор экан, токи она меҳри, аёл муҳаббати бор экан, бу мавзу ҳеч қачон поёнига етмаслигини англаймиз.

Улардаги меҳридарёлик, ибодат, мунислигу милоҳат ҳар қандай мактоб ва таърифга лойиқ. Ахир, гўзал ва оқила аёлларимиз ўзларининг ақл-идроки, чексиз меҳри, сабр-бардоши билан ҳар бир оила, ҳар бир маҳаллада,

қолаверса, бутун республика-мизда тотувлик, дўстлик, меҳр-оқибат, саранжом-сарийшалик муҳитини мустақкамлашга, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга муносиб ҳиссасини қўшиб келаяпти.

Аёлларимизнинг мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишдаги, юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохлар, буюк бунёдкорлик ишларидаги ҳиссаси, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш ва вояга етказишдаги ўрнини халқимиз, Ватанимиз юксак қадрлайди. Хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқенини мустақкамлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юритилаётган сиёсатнинг муҳим йўналишидир. Бугунги кунда у ҳоҳ давлат идораси, ҳоҳ тадбиркорлик, ҳоҳ хусусий корхона бўлсин, аёлларимизнинг ўз иқтидорлари, билими ва имкониятларини намоян қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилганини мамнуният билан таъкидлаш жоиз. Биргина «Зулфия» номидаги Давлат муқофотининг таъсис этилиши Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан хотин-қизларимизга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

(Давоми 2-бетда).



## 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни



Гўзал ва оқила аёлларимиз ўзларининг ақл-идроки, меҳрибонлиги, сабр-қаноати билан ҳар бир оила, ҳар бир маҳалла ва шу асосда бутун юртимизда ахиллик, меҳр-оқибат, самимият ва поклик муҳитини мустаҳкамлашга, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга катта ҳисса қўшиб келаётганини бугун яна бир бор миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Ислом КАРИМОВ.

Сўнг ИИВ ШТБИХ бошлигининг биринчи ўринбосари, подполковник У. Гаппаров тизимда ҳалол, виждонан хизмат қилиб, бошқаларга ўрнак бўлаётган бир гуруҳ аёлларни, билим ва тажрибасини ёшларга ўргатаётган фахрийларни тақдирлаш тўғрисидаги Ички ишлар вазирининг буйруғини ўқиб эшиттирди.

Генерал-лейтенант Б.Матлюбов мукофотланганларга Фахрий ёрликлар ҳамда қимматбахо эсдалик совғаларини топширди.

ҳодатланган ходималар билан бир қаторда зиммаларига юклатилган вазифаларни виждонан бажариб, касбини ардоқлаб, жамоадошларига ўрнак бўлаётган бир гуруҳ фаол ишчи-хизматчи аёлларга ИИВ Бирлашган қасаба уюшмалари қўмитаси раиси Х. Жалилова қимматбахо эсдалик совғаларини топширди.

Тадбирнинг тантанали қисми поёнига етгач, йиғилганлар эътиборига Ўзбекис-

## Чет эл матбуоти шарҳи

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДАГИ ГИГАНТ ГЭСЛАР ЛОЙИХАЛАРИ МИЛЛИОНЛАБ ОДАМЛАР ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИД СОЛАДИ

Марказий Осиё мамлакатларида йирик гидроэнергетика иншоотларини қуриш лойиҳалари, уларнинг шошма-шошарлик билан амалга оширилиши келтириб чиқарадиган оқибатлар бу масалага ҳолисона ёндашадиган барча соғлом фикрли кишиларни ҳақли равишда ташвишга солмоқда. Ўзбекистон бундай лойиҳаларнинг минтақадаги экология ва сув мувозанатига таъсири, шунингдек, техноген фалокатлар таҳдидларини келтириб чиқариши мумкинлигини ҳисобга олиб, уларни мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарурлиги ҳусусидаги принципиал масалани қатъий қўймоқда.

Бугун ушбу фикрни дунёнинг турли мамлакатларидаги кўплаб мустақил экспертлар ҳам кўплаб-қувватламоқдалар. Масалан, МДХ мамлакатлари институтининг Бишкек филиали директори, тарих фанлари доктори, профессор, Рус география жамиятининг ҳақиқий аъзоси Александр Князев қаламига мансуб, қатор Интернет-нашрларда эълон қилинган "Ҳақиқат эмас, афсона: Ўрта Осиёдаги мега-ГЭС тақдирини номаълумлигича қолмоқда" сарлавҳали мақолада ушбу муаммо бу борадаги ишларнинг ҳақиқий аҳоли нуктаи назаридан чўқур ҳамда батафсил таҳлил қилинган.

Шуни қайд этиш кераки, мақолада баён этилган фикрлар муаллифнинг таҳминларга асосланган қараш эмас ва уни қимингдир манфаатларини ҳимоя қилаётганликда айблаб бўлмайди.

Муаллиф ҳақли равишда Амударё ва Сирдарё Марказий Осиё давлатлари фаровонлигини ва уларни сув билан таъминлайдиган яхлит манбаа эканини таъкидлайди. Шу билан бирга, олим Ўзбекистоннинг транзитга равиий Сирдарё ва Амударё сувидан фойдаланиш соҳасидаги манфаатлари ушбу дарёларнинг юқори қисмида жойлашган мамлакатлар томонидан етарли даражада инобатга олинмаётганини қайд этган. "Тожикистон ва Қирғизистон Республикалари томонидан гидротехник иншоотлар қурилишининг амалга оширилиши биринчи навбатда, Ўзбекистон, шунингдек, Қозоғистон ва Туркменистон хавфсизлигига катта таҳдид солаётгани ҳақида гапиришга мажбур этмоқда", деб ёзади А.Князев.

Шунингдек, эксперт ҳудудда трансчегара сув оқимлари ҳосил бўладиган мамлакат уларни ўз билганча тасарруф қилиши ҳақидаги фикрнинг бемаънилигини, дарёларнинг қай бири ички, қай бири ташқи экани ҳусусидаги бахсларнинг асоссизлигини қайд этди.

(Давоми 5-бетда).

## НАФОСАТ ВА НАЗОКАТ БАЙРАМИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Мамлакатимизни модернизация қилишда, кишлоқ ва шаҳарларимиз қиёфаси ўзгариб, чирой очиб бораётганида хотин-қизларнинг ўрни ва нуфузи тобора ортиб бораётгани ҳам ана шу ғамхўрликнинг ёрқин далилидир. Чунинчи, ички ишлар идораларида ҳам эркаклар билан елкама-елка туриб, юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида сидқидилдан хизмат қилаётган аёлларимиз кўпчиликини ташкил этади.

Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан республика Ички ишлар вазирлигида байрам тантанаси бўлиб ўтди. Тантангага Ўзбекистон Республикаси ИИВ бош бошқарма, бошқарма ва мустақил бўлимларида хизмат қилаётган аёллар, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБ Хотин-қизлар кенгашлари раислари, шунингдек, хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари, ички ишлар идораларида кўп йиллар самарали меҳнат қилиб, айни пайтда кексалик гаптини суриш билан бирга, ёшларга касб сир-асоратларини ўргатиб келаётган фахрийлар тақдир этилган. Байрамона безатилган ИИВ мажлислар залига бир-бирдан дилбар ва лобар хотин-қизлар кўларига гул, юзларида табассум билан кириб келишди.

Байрамга бағишланган тантанани Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирини, генерал-лейтенант Б. Матлюбов очди ва маъруза қилди.

Б. Матлюбов ички ишлар идоралари тизимларида билими, ўқуви, касб маҳоратини намоиш этиб, самарали хизмат қилаётган барча хотин-қизларни байрам билан самимий табриклади. Уларнинг жамият ривожини, Ватанимиз тараққиётидаги ўрнига тўхталар экан, қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг турли қўриқчиларига қарши курашишда ички ишлар идоралари ходималарининг ҳам муносиб улушлари борлигини таъкидлади.

Минглаб аёлларимизнинг эркаклар билан бир сафда туриб, эл-юрт тинчлиги, осойишталигини таъминлаш каби улкан, маъсулятли вазифаларни сидқидилдан бажарётгани, шунингдек, оилада намунали она, келин, сеvimли ёр, маҳаллада ибратли бека эканлигини эътироф этди. Тизимнинг жиноят қидирув, тергов, эксперт-криминалистика, ахборот маркази, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш каби ўта муҳим соҳаларида самарали хизмат қилиб, олдинги сафларда бораётган аёллар орасида Дилра Ялишева, Лола Сағатов, Дилара Газбаева, Зухра Муқсинова, Насиба Юсупова, Елена Филиппова, Муҳаббат Раҳимова, Тамара Миронова кабиларнинг номлари фахр билан тилга олинишини айтди.

Б. Матлюбов ички ишлар идораларида хизмат қилаётган барча хотин-қизлар, меҳнат фахрийлари, хизмат вазифасини ўташ чоғида ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларини ушбу байрам билан муборакбод этиб, уларга сизат-саломатлик, узок умр, бахт-саодат, оилаларига тинчлик, осойишталик, фойзу барака, ишларига ривож тилади.



Мукофотлаш маросимидан сўнг сўз олган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова ички ишлар идораларида фидокорона хизмат қилиб, обрў-эътиборга сазовор бўлган ходималарга қўмитанинг Фахрий ёрликлари ва совғаларини тантанали равишда топширди. Шунингдек, тизимда ша-

тон Республикаси ИИВ Ашула ва рақс ансамбли, "Ўзбегим ёшлари" гуруҳи аъзолари ҳамда таниқли эстрада хонандалари, машҳур сўз усталари иштирокидаги концерт дастури ҳавола этилди.

Муҳаббат ИБРАГИМОВА.

Суратларда: байрам тадбиридан лавҳалар. Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

## ТАЙИНЛАНДИЛАР

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари – тергов бошқармаси бошлиғи, подполковник **Айтбай Жаксимович ТЕМИРХАНОВ**.

Айтбай Жаксимович Темирханов 1964 йилда туғилган. Маълумоти олий, Тошкент давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1993 йилда Нукус шаҳар ИИБ ЖКБ тезкор вакили лавозимидан бошлаган. 1994 – 2010 йилларда Нукус шаҳар ИИБ терговчиси, Нукус тумани ИИБ катта терговчиси, Нукус шаҳар ИИБ бошлиғи ўринбосари – тергов бўлими бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

Хоразм вилояти ИИБ Ташкилий-инспекторлик бўлими бошлиғи, подполковник **Фафуржон Оллаберганович ДАВЛАТОВ**.

Фафуржон Оллаберганович Давлатов 1961 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Тошкент олий мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1983 йилда Хоразм вилояти Питнак шаҳар ИИБ ЖКБ бўлимида қўриқлаш бўлимида милиционер лавозимидан бошлаган. 1989 – 2000 йилларда Шовот тумани ИИБ участка катта инспектори, Хива шаҳар ва туман ИИБ давлат ва жамоат мулкни талон-тарож қилишга қарши курашиш бўлимида тезкор вакили, ЖКБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, Питнак шаҳар ИИБ ЖКБ бўлими, Урганч шаҳар ИИБ бўлигининг биринчи ўринбосари, Хоразм вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони командири ўринбосари – штаб бошлиғи, Ташкилий-инспекторлик бўлими бошлиғи ўринбосари, ШТБИХ жанговарлиги таъминлаш маркази бошлиғи, Ҳарбий сарфбарлик ва фуқаролар муҳофазаси бўлимида хизмат қилган.

Наманган вилояти ИИБ Назорат-тафтиш инспекцияси бошлиғи, майор **Назиржон Қобулович РАСУЛОВ**.

Назиржон Қобулович Расулов 1971 йилда туғилган. Маълумоти олий, Наманган муҳандислик – педагогика институтини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 2000 йилда Наманган вилояти ИИБ тергов хибсонаси бош ҳисобчиси лавозимидан бошлаган. 2006–2010 йилларда вилоят ИИБ тергов хибсонаси бош ҳисобчиси лавозимларида хизмат қилган.

Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ бошлигининг биринчи ўринбосари – йўл-патруль хизмати бригадаси командири, подполковник **Жамшид Абдухамидович КАРИМОВ**.

Жамшид Абдухамидович Каримов 1969 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1993 йилда Тошкент шаҳар ИИББ ДАНБ ЙПХ алоҳида махсус ротаси катта инспектори лавозимидан бошлаган. 1994–2010 йилларда Тошкент шаҳар ИИББ ДАНБ ЙПХ катта инспектори, взвод командири, рота командири ўринбосари, ЙПХ бригадаси отряд командири ўринбосари, ЙХХБ отряд командири, ЙХХБ дивизион командири ўринбосари, дивизион командири, ЙПХ бригадаси командирининг биринчи ўринбосари – штаб бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



Сурхондарё вилояти Денов тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, полковник **Одилжон Ҳамидович ЖАББОРОВ**.

Одилжон Ҳамидович Жабборов 1958 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Тошкент олий мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1980 йилда Термиз шаҳар ИИБ давлат ва жамоат мулкни талон-тарож қилишга қарши курашиш бўлимида инспектори лавозимидан бошлаган. 1983–1993 йилларда Термиз шаҳар ИИБ давлат ва жамоат мулкни талон-тарож қилишга қарши курашиш бўлимида катта тезкор вакили, вилоят ИИБ давлат ва жамоат мулкни талон-тарож қилишга қарши курашиш бўлими тезкор вакили, Музработ тумани ИИБ давлат ва жамоат мулкни талон-тарож қилишга қарши курашиш бўлими бўлими бошлиғи, иқтисодийдаги жиноятчиликка қарши курашиш гуруҳининг катта тезкор вакили, бўлими бошлиғи, 1993–2010 йилларда Жарқўрғон тумани ИИБ бошлиғи, вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

Наманган вилояти Наманган тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник **Одилжон Махсудович ОХУНОВ**.

Одилжон Махсудович Охунов 1967 йилда туғилган. Маълумоти олий, Наманган давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1992 йилда Наманган вилояти ИИБ тергов хибсонаси назоратчиси лавозимидан бошлаган. 1993–2010 йилларда Наманган вилояти ИИБ тергов хибсонаси муҳандиси, катта йўриқчиси, вилоят ИИБ ЖТСБ взвод командири, Норин тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, вилоят ИИБ ЖК ва ТҚББ тезкор вакили, катта тезкор вакили, ШТБИХ бошлиғи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник **Бахтияр Мадреймович ТАДЖИМУРАТОВ**.

Бахтияр Мадреймович Тажимуратов 1961 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Тошкент олий мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1983 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани ИИБ қўриқлаш бўлимида милиционер-ҳайдовчиси лавозимидан бошлаган. 1986–1997 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ Тергов хибсонаси назоратчиси, катта назоратчиси, Хўжайли тумани ИИБ милиция участка инспектори, ЖТСБ катта инспектори, ЖКБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, туман ИИБ бошлигининг ўринбосари, 1997–2010 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ШТБИХ бошлигининг ўринбосари, Хўжайли тумани ИИБ ЖКБ бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ЖК ва ТҚББ бўлим бошлиғи, Хўжайли тумани ИИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, майор **Мамангелди Тауекелович УТЕМУРАТОВ**.

Мамангелди Тауекелович Утемуратов 1974 йилда туғилган. Маълумоти олий, Нукус давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1996 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар ИИБ тергов бўлимида терговчиси лавозимидан бошлаган. 1999–2010 йилларда Нукус шаҳар ИИБ ЖКБ тезкор вакили, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ЖКБ тезкор вакили, Катта тезкор вакили, КеҒейли тумани ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари, туман ИИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Қурағай тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, майор **Куралбай Аметович КУРБАНИЯЗОВ**.

Куралбай Аметович Курбаниязов 1970 йилда туғилган. Маълумоти олий, Қорақалпоғистон давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1990 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар ИИБ ППХ рота милиционер лавозимидан бошлаган. 1991–1999 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ соқчилар взводининг милиционер, Нукус шаҳар ИИБ хузуридаги қўриқлаш бўлимида милиционер, бўлими командири, Мўйноқ тумани ИИБ ЖКБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, 1999–2010 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЖКБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, ЖК ва ТҚББ катта тезкор вакили, Чимбой тумани ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ЖК ва ТҚББ бўлими бошлиғи, бўлим бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, майор **Рустам Есемуратович ЮСУПОВ**.

Рустам Есемуратович Юсупов 1973 йилда туғилган. Маълумоти олий, Қорақалпоғистон давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1999 йилда Нукус шаҳар ИИБ ШМБ милиция участка инспектори лавозимидан бошлаган. 2001–2010 йилларда Нукус шаҳар ИИБ ХОСБ профилактика инспектори, Қораўзак тумани ИИБ ШТБИГ инспектори, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ЖК ва ТҚББ тезкор вакили, катта тезкор вакили, бўлим бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, майор **Руслан Алимбаевич МАМБЕТҚАДИРОВ**.

Руслан Алимбаевич Мамбетқадиров 1976 йилда туғилган. Маълумоти олий, Қорақалпоғистон давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 2000 йилда Мўйноқ тумани ИИБ ШТБИГ инспектори лавозимидан бошлаган. 2001–2010 йилларда Мўйноқ тумани ИИБ тергов гуруҳининг терговчиси, катта терговчиси, Нукус шаҳар ИИБ бошлигининг ёрдамчиси-тезкор навбатчи, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ТИБ навбатчилик бўлимида бошлигининг ёрдамчиси-тезкор навбатчи, Мўйноқ тумани ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари – ЖК ва УЖҚБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



**Фидойи ҳамкасблар**

**«ЭНГ МУҲИМИ, КАСБНИ СЕВИШ КЕРАК»**



Аёлни қанчалар эъзозласангиз, ардоқласангиз-да, камдек туюлаверадилар. Негаки, у ҳаёт шамшироғи, меҳр булоғи, хонадон фарришаси, меҳрибон она, севики, вафоли ёр. Унинг нозик жуссасидаги қатъият, шижоат

ва бардош эса кишини чинакам ҳайратга солади. Узда латофат, назокат сингари хиллатлар қатори шижоату қатъиятни ҳам қилган аёллардан бири бугунги кунда республика ИИБ ЖИЭБда самарали хизмат қилиб келаётган капитан Азиза Кенжаевадир.

Азиза Самарқанд Давлат чет тиллар институтини тамомлагач, бир муддат ўқитувчи бўлиб ишлади. Аммо болаликда уйғонган ҳавас уни ички ишлар идоралари сари етаклади. Қалб амри энг тўғри қарорни чиқарди. Азиза 2003 йилда республика ИИБ ЖИЭБ Ташкилий-инспекторлик бошқармаси халқаро ташкилотлар ва жамоатчилик билан алоқа қилиш бўлинмаси инспектори бўлиб хизматга кирди. Устозлар ўғити, кўмаги унга қўл келди. Хушмуомалалиги, зукколиги, ҳар бир топшириқни ўз вақтида бекам кўст бажариши боис, ҳамкасблари эъти-

борига тушди. 2008 йилдан эса Бош бошқарманинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими матбуот ва халқаро жамоатчилик билан алоқа қилиш бўлинмаси бошлиғи этиб тайинланди.

– Албатта, бу касб аёл кишидан ҳам аزمи қатъийлик, шижоат, сабр-тоқат ва бардошни талаб қилади. Аммо касбига чин дилдан меҳр қўйган аёл ҳеч қийналмай хизмат қила олади. Энг муҳими, касбни севиш керак, – дейди Азиза Кенжаева.

Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ташкиллаштириш, хорижга хизмат юзасидан чиқаётган ходимлар ҳужжатлари билан ишлаш, жазаго тортилган чет эл фуқаролари билан уларнинг элчихона ва консулликлари вакилларининг учрашишларини ташкиллаштириш сингари вазифалар ходимдан жуда катта масъулиятни, билимни

талаб қилади, албатта. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳамкорлик қилишда етарлича билим, тушунча бўлиши шарт.

Ана шундай масъулиятли вазифани уддалаб келаётган Азизада эса юқоридаги хусусиятларнинг ҳаммаси мужассам, десак бўлади. У нафақат хизматда намунали ходим, балки оилада ҳам бахтли бека. Турмуш ўртоғи унинг иш шароитини жуда яхши тушунади, қўллаб-қувватлайди. Ана шунинг ўзи аёл учун чинакам бахт, туганмас кўч ато этади.

Аёл гулга қиёс этилади, аммо унинг бардоши, матонати олдида тоғлар ҳам бош эгиди. Унинг меҳридан, садокатидан олам мунаввар бўлади. Балки шу боис ҳам уни сирли хилқат ҳам деб аташса, не ажаб.

Умида БОЛЛИЕВА,  
«Постада» муҳбири.

**Мини-футбол**



**Барча жабҳаларда бўлганидек, ҳуқуқ-тартибот идораларида, хусусан, ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Бу борада ИИБ раҳбарияти томонидан шахсий таркиб орасида спортни оммалаштириш учун кенг имкониятлар яратилаётганлигини айтиб ўтиш жоиз.**

**ШОҲСУПАДА – МУСОБАҚА ГОЛИБЛАРИ**

Аввал хабар берганимиздек, республика ИИБ Марказий аппарати бош бошқарма, бошқарма, мустақил бўлимлари ҳамда таълим муассасалари ходимлари ўртасида анъанавий мини-футбол мусобақаси ўтказилди. Турнирнинг ҳал қилувчи беллашувларида голиб жамоалар аниқланди.

Мусобақага тўхталадиган бўлсак, беллашувда иштирок этган барча жамоалар футболчилари голиблик учун ҳаракат қилишди. Айниқса, вазирлик Ахборот маркази, Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси, Тергов бош бошқармаси ва Тиббиёт бошқармалари футболчилари галаба бўлган иштиқоқ кучли эди. Аммо мусобақада энг кучлилар сараланди.

Кизгин ва муросасиз баҳсларга бой бўлган беллашувда вазирлик Ахборот маркази ҳамда Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати жамоалари учинчи ўрин учун тўп суришди. Ахборот маркази жамоаси мини-футболчилари галаба қозонди.

Биринчи бўлимда томонлар эҳтиёткорликка эътиборни қаратишди. Негаки, ҳар бир эътиборсизлик кўпол хатолар келтириб чиқаришини ўйинчилар яхши билишарди. ЖИЭБ жамоаси ўйиннинг бошидан оқибат ҳужумга зўр берди. Уларнинг ҳимоя чизгини унутганлигидан фойдаланган МТБ спортчилари ҳисобни очди – 0:1. Таъминотчилар бундан руҳланиб ташаббусни ўз қўлларига олишди. Орадан кўп ўтмай яна ЖИЭБ жамоаси аъзолари ўз дарвозаларидан тўп олиб чиқишга мажбур бўлишди.

0:2 жамоалар ҳимояни унутмаган ҳолда кўпроқ ҳужумга эътиборни қаратишди. Натигада кетма-кет рақиб дарвозаси ишғол қилинди. Спортчилар танаффусга 4:4 ҳисоби билан чиқишди.

Иккинчи бўлимда ЖИЭБ футболчилари қарши ҳужумга зўр берди. Натигада, рақиб дарвозаси олдида хавfli вазиятларни юзага келтирди. Ана шундай ҳужумлардан бири гол билан якунланди. Хисобда олдинга чиқиб олган ЖИЭБ жамоаси спортчилари яна асосий эътиборни ҳужумга қаратишди. Пировардида бирин-кетин рақиб дарвозасига тўп киритишди. МТБ жамоаси ҳам бўш келмади. Иккинчи бўлим-

да рақиблар дарвозасини уч марта ишғол қилишди. Учрашув тугашига санокли дақиқалар қолганда ЖИЭБ жамоа аъзолари яна бир неча хавfli зарбалар беришди. Шундай қилиб, кизикarli ва марокли ўтган беллашувда 7:8 ҳисоби билан ЖИЭБ вакиллари галаба қозонди ва мусобақанинг тенгсиз жамоасига айланди.

– Айтиш мумкинки, мусобақага жамоалар астойдил тайёргарлик кўришган экан, – дейди республика ИИБ ШТБХ касбий тайёргарлик ва шахсий таркибдан тест синовларини қабул қилиш бўлими бошлиғи, подполковник А. Сулаймонов. – Буни беллашувларнинг муросасиз тус олганлиги билан изоҳлаш мумкин. Гувоҳи бўлганингиздек, йилдан-йилга турнир савияси ва нуфузи ошиб бормоқда. Бу гагли беллашувларда барча жамоалар фаол иштирок этишди. Бугунги ҳал қилувчи финал беллашувда ЖИЭБ футболчилари ҳар томонлама устун эканликларини намойиш қилди.

– Финалгача бўлган машаққатли баҳслар давомида галабага бўлган ишонч жамоамизни асло тарк этмади, – дейди ЖИЭБ жамоаси ағиримчи, катта лейтенант У. Ҳамдамов. – Ўтган йили ушбу мусобақада иккинчи ўрин билан кифояланган эдик. Мана, бу гагли беллашувларда голиб бўлдик. Мусобақани юқори савияда ташкил этгани учун ташкилотчиларга ташаккур билдираман.

Мусобақа голибларини тақдирлаш маросимини республика Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник А. Мирзаев кириш сўз билан очиб, спортчиларни ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби номидан кизгин табриқлади ҳамда келгуси ишлариди, хизматларида муваффақият тилади. Сўнг голиб жамоаларга ИИБнинг Фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, номинациялар бўйича «Энг яхши дарвозабон» подполковник Ҳ. Мусаев (Тиббиёт бошқармаси), «Энг яхши ҳимоячи» капитан С. Саидов (ШТБХ), «Энг яхши ҳужумчи» капитан Р. Ваҳобов (Ахборот маркази), «Энг мухир тўпурақ» капитан Т. Қараходжаев (МТБ), «Турнирнинг энг ёши катта ўйинчиси» подполковник Ҳ. Назаров (ПТЭМ), «Галабага интилиш учун» номинацияси бўйича ХЧК ва ФРБ вакили, лейтенант А. Кўчқоров тақдирланди.

Шунингдек, мусобақанинг қатъийлик ва ҳолисона ўтказилишини таъминлаганликлари учун Ўзбекистон Футбол федерациясининг ҳакамларига ҳам эсдалик совғалари топширилди.

Азизжон ФАЙЗИЕВ,  
«Постада» муҳбири.

Суратларда: мусобақадан лавҳалар.  
Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.



Голиб ЖИЭБ жамоаси.

**Устоз отадек улуг**

**«ШОГИРД ҲАМ ФАРЗАНДДЕК ГАП»**

дейди подполковник Мухаррамхон Ҳасанова



Мухаррамхон Ҳасанованинг ички ишлар идораларида хизмат қилаётганига 28 йил бўлди. У илк бор эгидидаги хизмат кийимидан шодланиб, кўзгу олтидан кетолмай қолган тотли дамларни ҳеч қачон унутолмас керак.

Қарангки, ўшанда узок вақт ширин ҳиссиётлар исқанжасидан чиқиб кетолмаган сафдор киз бугун подполковник даражасига кўтарилди. ИИБ Сержантлар таркибининг айтмасак, унинг хизмат фаолияти бевосита мана шу марказ билан chambarchас боғлиқ. Подполковник М. Ҳасанова бу ерда ички ишлар идоралари ходимларига психологияси фанидан сабоқ беради.

– Жисмонан бақувват ва шижоатли йигит-қизлар танлов асосида ички ишлар идоралари сафларига қабул қилингандан кейин марказимизда таҳсил олишадилар, – дейди М. Ҳасанова. – Бизнинг вазифамиз бу соҳанинг аччиқ-чучугини татиб кўришга улгурмаган тажрибасиз ёшларни ҳақиқий ички ишлар ходимига айлантиришдан иборат.

– Мухаррам опа жамоамиздаги энг тажрибали ва билимдон мураббийлардан бири, – дейди марказ бошлиғи ўринбосари, подполковник Ортиқали Эминов. – Шундай бўлса-да, ҳар бир дарсга кўшимча адабиётлардан фойдаланган ҳолда алоҳида тайёргарлик кўради. Яқинда тингловчиларга берилаётган сабоқлар-

нинг таъсирчанлиғи қай даражада эканлигини аниқлаш мақсадида мониторинг ўтказдик. Уларга аноним тарзда «Сиз ҳақиқий ички ишлар ходими бўлиб етишишингиз учун қайси фанларни зарур деб ўйлайсиз?», «Сиз кимни энг яхши ўқитувчи деб ҳисоблайсиз?» каби саволлар билан мурожаат қилдик.

Буни қарангки, яширин тарзда берилган овозларни сарҳисоб қилганимизда, тингловчиларимизнинг аксарияти ички ишлар идоралари ходимлари психологияси фанига кўпроқ хайрихоҳ эканликлари маълум бўлди. Худди шунингдек, ўқ отиш тайёргарлигидан сабоқ бераётган подполковник Муқимжон Аҳмедов, ҳуқуқий билим асослари фанидан маъруза ўқитган майор Тоҳиржон Азимов ва ички ишлар идоралари ходимлари психологиясини ўргатаётган подполковник Мухаррамхон Ҳасановалар шогирдлар наздидаги энг яхши ўқитувчилар эканликлари аниқланди.

Сўхбатимиз поёнига етай деганда стол устидаги анвоий гулларга ишора қилиб ҳазиллашдик:

– Мухаррамхон опа, хизмат хонангизни гул дўконига айлантириб юборибсиз-ку?

– Э, нимасини айтасиз, – дея ёйилиб қулди опа. – 8 март яқинлашиши билан гул кўчқолаб табриқлашга ошмаётган шогирдларимнинг оёғи тийилмасе, мен нима қилай? Ахир, улар жуда ҳам кўпчилик-да!

Раҳмонали ҚОСИМОВ,  
Абдувосит СИДДИКОВ.  
Фаргона вилояти.

Суратда: М. Ҳасановани шогирди байрам билан қутламоқда.



Республика ИИБ Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабидида ҳам бир-биридан дилбар, лобар аёллар хизмат қилади. Мактаб малака ошириш факультети ўқитувчи методисти, капитан Ҳилола Темирова, молия-иқтисод бўлими ҳисобчи газначиси, катта сержант Махбуба Мирсамадова ҳамда ҳисобчи, кичик сержант Наргиза Умарова ҳам ана шундай хизматда азму шижоатли, ўз касбининг пухта эгаллаган, шу қатори латофатли ва нафосатли ходимлардан. Уларни ва олийгоҳда фаолият юритаётган барча хотин-қизларни улуг айёмлари билан қутлаймиз.

**ҚАЛБИ ГУЛДЕК АЁЛ**

**Тошкент шаҳар ИИББ ШТБХ бошлиғининг ёрдамчиси, подполковник Ўғилшод Пардаева, мана йигирма уч йилдики, ички ишлар идораларида хизмат қилаяпти.**

Ўғилшод Пардаева хизматни 1987 йилда Сурхондарё вилояти ИИБ Ахборот марказида инспектор лавозимидан бошлади. 1997 йилда Тошкент вилояти ИИБ ШТБХ кадрлар билан ишлаш бўлими катта инспектори, сўнгра ШТБХ бошлиғининг ёрдамчиси лавозимларида фаолият юритди. 2000 йилдан эса Тошкент шаҳар ИИББ ШТБХ бошлиғининг ёрдамчиси лавозимидида хизмат қилиб келмоқда. Табиатан камгал, очик кўнгли, гайратли бўлган Ўғилшод опа синглиси Гулнора ва жияни Нилуфарни ҳам ўз изидан эргаштириб, уларга устозлик қилди.

Намунали хизмат қилиб ҳамкасбларига ўрнак бўлаётган Ўғилшод Пардаева Ватан ҳимоячилари куни арафасида республика Ички ишлар вазирининг буйруғига биноан «**A'lo xizmatlari uchun**» кўркак нишони билан тақдирланди.

– Халқаро хотин-қизлар байрами билан аввало, онажонимни, опанингиларимни ва барча касбдош аёлларни чин дилдан табриқлайман, – дейди қаҳрамонимиз қувон-



чу шодлигини яширолмай. – Ўзларининг нафосатлари билан гўзалликдан салтанат яратиб, элу юрт осоийшталлигига муносиб ҳисса қўшаётган мунис аёлларимиз доимо ўз орзу-ниятларига етишларига тилақдошман.

Жамила ЭШОНҚУЛОВА,  
Тошкент шаҳри.



ИИБ Тиббиёт бошқармаси стоматология поликлиникасида хизмат қилаётган шифокорлар сафидида хотин-қизлар ҳам бор. Лейтенант Наргиза Аскар-хўжаевага катта ишонч билдирилиб, жаррохлик бўлинмаси бошлиғи этиб тайинланган.

**Учрашув**

**ХАЛҚ ШОИРИ ТИНГЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА**

**Республика ИИБ Академиясида Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов билан «Еш мутахассис кадрлар – келажак пойдевори» мавзусида учрашув бўлиб ўтди.**

Унда республика ИИБ Бирлашган тахририяти бош муҳаррири, полковник З. Неъматов, Академия раҳбарияти ва профессор-ўқитувчилари, фахрийлар кенгаши раиси, истефодаги полковник Э. Арифжонов ҳамда Олий академик курсларининг тингловчи ва курсантлари қатнашдилар. Академияда таҳсил олаётган тингловчи ва

курсантларни она-Ватанга муҳаббат, танлаган касбига садоқат руҳида тарбиялаш, маънавий-сиёсий онгини ўстириш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирни Академия бошлиғи ўринбосари, генерал-майор Ж. Фозилов кириш сўзи билан очди. Шунингдек, сўзга чиққанлардан Академия тил ва адабиёт кафедраси доценти вазифасини бажарувчи,

подполковник Т. Сайдалиев ёшларимизни Баркамол авлод йилида адабиётга, шеърятга қизиқишини ошириш, уларнинг маънавий дунёқарашларини юксалтириш лозимлиги ҳақида сўзлади. Шунингдек, Абдулла Орипов ижоди ва фаолияти тўғрисида тўхталиб, шоир шеърларининг ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамияти ҳақида тўлқинланиб гапирди.

Шундан сўнг Абдулла Орипов шеърят оламига кириб келиши ҳамда устозларини хотиралаб, кизикarli воқеаларни гапириб берди ва анги иход намуналаридан ўқиди.

Шеърятга ихлосмандлардан 4-ўқув курси тингловчиси М. Мирзаева шоирнинг «Ватан» шеърини, 1-ўқув курси тингловчиси Н. Шуқуров эса «Ўзбекистон» шеърини зўр завқ билан ифодали ўқиб берди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, иқтидорли шоир Рустам Муҳромон халқона оҳангдаги шеърлари билан тадбирга файз киритди.

Кизикarli савол-жавобларга бой бўлган учрашув иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

М. КАРАМОВ,  
майор.

## Қалб ардоғи

## БАҲОР СОҒИНЧИ

Навбахор кўзгатар дилларда жумбуш,  
Йигитлар Отабек, қизлар нақ Кумуш.  
Ҳар тунда кўришар битта ширин туш,  
Эзгулик келтирсин баҳор, ассалом!

Неча минг йилки, дунё чархпалаги тўхтовсиз айланади. Унинг олтин қанотларида ҳар йили ўлкамизга баҳор ташриф буюради. Баҳор келишини бутун борлиқ — қорлар остида мудраб ётган она замин қовоғи солиқ булутлардан безиб кетган лоҳувард осмон ҳам, яланғоч қолганидан уялиб кетган дов-дарактлару қишнинг рутубатли хавосидан диққинафас бўлган одамлар ҳам бирдек интизор бўлиб кутишади...

Баҳор соғинчига дош беролмаган аямажун кунлар чекиниб, бобо кўёш ўз нурини ерга ҳар қачонгидан ҳам мўлроқ соча бошлайди. Баҳор гулдираклари юрагига ваҳима солган қиш орқа-олдига қарамай қоча бошлайди. Қаҳратон қаҳридан пана-паналарга кириб олган, тўқсонда тўйиб улаган куртаклар киртайган кўзларини оча бошлайди.

Қанотида илиқ кунларни олиб келаётган қалдирғочларнинг, қор тағида ётиб ҳам тушларида «оқ олтин»ни кўраётган шугорлару баҳмал барглари шаббодада енгил тебранётган бинафшанинг қувончи оламга сиймайди. Самодан севалаб ёғилаётган ёмғир томчилари ҳам баҳорни соғинган осмоннинг севинч ёшларига ўхшайди, гўё. Қиш бўйи маҳзун тортган сойларда сувларнинг шарқироқ кўшиги авжига чиқади. Адирларнинг ҳижрондан куйиб кетган бағирлари лолақизгалдоқлар билан овунади. Яланғочлигидан изза тортиб, қорайиб кетган бутқоқлар оппоқ гулларга бурканади. Майсаларнинг яшил лашкари чор-атрофни қуршаб олади...

Баҳорни нафақат табиат, балки унинг ажралмас қисми бўлган инсонлар-да ички бир орзиқиш билан кутади. Чунки у табиат билан бирга инсон қалбини ҳам ўзгартириб юборади. Қалбларда бошланган пўртана гулгун чехраларда намоев бўлади. Аёлларимиз айтаётган шўхчан алёрлар авжига чиқади, қизларимизнинг шодон кулгилари кўкларда мавжланади.



## Соҳа фидойилари

Бухоро шаҳар ИИБ ХООБ катта инспектори, майор Зулмакон Таирова касбига меҳр кўйган фидойи хотин-қизлардан бири. У йигирма йилдан буюн ички ишлар идораларида хизмат қилади. Утган йиллар мобайнида тиниб-тинчимаслиги, хизматга масъулият билан ёндашиши, инсонийлиги билан ҳамкасблари орасида эътибор, ҳурмат топди.

## ОТА ДУОСИНИ ОЛИБ

Саккиз фарзанди орасида ёлғиз ўғлидан майор Самад Таировнинг орзу-умидлари кўп эди. Ишимни ўғлим давом эттиради, деб ният қиларди. Кутилмаганда ундан айрилиб қолган, барча орзу-умидларини қизи Зулмакон билан боғлади. Шўхшаддоғина қизининг қатъийлиги, қайсарлиги отанинг кўнглини тоғдек кўтарарди, унинг хатти-ҳаракатларида издошини кўргандек қувонарди. Ҳар замонда «Сен албатта, ички ишлар ходими бўлишинг, халққа хизмат қилишинг керак», деб тайинларди.

Беморлиги туфайли нафақага чиққан ота кўп ўтмай ҳаётдан кўз юмди. Ун уч ёшли қизалоқнинг қалбида ота васияти муҳланди. Тикувчилик фабрикасида меҳнат қиладиган Шарифа опа учун етти қизни вояга етказиш осон бўлмади. Лекин у Зулмаконнинг интилишларига қаршилиқ қилмади. Ҳамиша уни қўллаб, зарур бўлганда ёрдамини аямди.

Ўрта мактабни муваффақиятли тугаллаган қиз Бухоро шаҳар ИИБда эркин ёлланган ходим сифатида 10 йил котибалик қилди. Бу орада турмушда чиқиб, икки фарзанди бўлди. Шу билан бирга, Бухоро давлат университетини сиртдан тамомлади. Тиришқоқ, интилувчан қизни раҳбарият 1990 йилда шаходатланган ходимлар сафига ўтказди.

Дастлаб Фаёзулла Хўжаев тумани ХООБда вояга етмаганлар бўйича инспектор бўлиб ишлаган З. Таирова бир муддат вилоят ИИБ Ахборот марказида хизмат қилди. 1999 йилдан буюн эса Бухоро шаҳар ИИБ ХООБ катта инспектори лавозимида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. — Майор унвонини олгандаги ҳаяжоним ҳеч ёдимдан чикмайди,



— дейди катта инспектор З. Таирова. — Кўзларим жикқа ёшга тўлганди ўшанда. Ахир қалбимдаги эзгу ниятим ушалаб, отамнинг васиятларини тўла адо этгандим-да. Бунинг учун энг аввало мен ҳозир анча кексайиб қолган онажоним Шарифа Таировадан жуда миннатдорман. У киши етти қизни асраб-авайлаб, ҳеч кимдан кам қилмай вояга етказдилар, ҳаётда ўз ўрни-мизни топишимизда асосий суянчик бўлдилар. Онажонимнинг умрлари узок бўлсин.

Майор З. Таирова бугунги кунда осойишталикни таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш йўлида хизмат қилмоқда. У асосан муқаддам судланганлар билан ишлайди. Уларни ҳисобга олиш, иш билан таъминлаш, зарур бўлганда ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга масъул. У осто-

лари подполковник Содиқ Ҳафизов, Самад Камолов, Озод Рустамов йўл-йўриқларига амал қилади. Ҳамон уларнинг тахрибасига суянади. Инсонийлиги, ҳушмуомаласи, фидойилиги билан муқаддам судланганлар қалбига йўл топади. Уларни ҳамиша тўғри йўлга бошлайди, ҳаётда ўрни-ни топишга қўлидан келган ёрдамни аямайди.

З. Таирова шахсий ҳаётдан ҳам мамнун. Икки фарзандини вояга етказиб, уй-жойли қилган. Уч нафар наваранинг севимли бувижонига айланган.

Қаҳрамонимизнинг фикрича, ҳар бир аёлга бахт-саодат ёр бўлиб, орзулари ушалиши насиб этсин.

Рўзигул Йўлдошева.  
Суратда: майор Зулмакон Таирова.  
Бухоро вилояти.

## Сиз борсиз...

## СОҲА МАЛИКАСИ

Сержант Зулфия Урунбаева ички ишлар идораларида хизмат фаолиятини Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ котибиятида эркин ёлланган ходим сифатида бошлаган. Соҳага қизиқиши ва бу борада етарли билим, тажриба тўплаган қиз шу соҳада ишлашга қатъий қарор қилади. Бегиламан тартиб-қоидаларни мукаммал бажариб, шаходатланган ходим мана беш йилдирки, ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ котибиятида фаолият олиб бормоқда. З. Урунбаева ҳар йили

ўтказилиб келинаётган «Ибратли ходим» ва «Соҳа маликаси» кўриктанловларининг ғолиби ҳамда совриндори бўлган. Шунинг билан бирга, у Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ хотин-қизлар кенгашининг фаол аъзосидир.

Дурдидой ХУДОЙШУКУРОВ.  
Суратда: сержант Зулфия Урунбаева Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ахборот маркази катта инспектори, хотин-қизлар кенгаши раиси, майор Қимбат Якупова билан.  
Муаллиф олган сурат.



## Ибрат



## САФИМИЗНИНГ СУЛУВИ

Амалия ўрта мактабни аъло баҳоларга тугатиб, ота касбига қизиқиб икτισодчи бўлишни орзу қилиб, Самарқанд шаҳридаги тижорат коллежига ўқишга кирди. Аммо қўшниси, чиройли харбийлар кийимида ишга кетадиган Раъно опага ҳаваси келарди. Унга ички ишлар ходимаси бўлиш орзу тинчлик бермасди. Аёл кишининг формада эркаклар сингари бел боғлаб эл-юртга хизмат қилиши жуда бошқача кўринарди.

Кўп йиллар вилоят ИИБда хизмат қилиб, ҳозирда нафақа гаштини сураётган тоғаси, подполковник Толиб Аҳмедов жиянидаги мақсадни эшитгач, уни бу касбга янада қизиқтирди. Амалия Сатторова коллежни тугатгач, вилоят ИИБ ЕХБ 1-мустақил харбийлаштирилган ёнғин ўчириш қисмида ишлаш учун ариза берди. Синовлардан муваффақиятли ўтган қиз алоқачи лавозимига тайинланди.

А. Сатторова ўзининг инсоний хислатлари билан касбдошлари, қисм раҳбарияти олдида ҳурмат-ишонч қозонди. Вилоят ЕХБ раҳбарияти унга ишонч билдириб, бошқарманинг ёнғин ўчириш штаби алоқачи-диспетчер лавозимига тақлиф этди. Мана ун уч йилдан буюн ўта заҳматли, тезкорлик, талабчанлик талаб этиладиган алоқа хизматида ишламоқда.

Бошқарма томонидан ўз вазифаси ва бурчига содиқлиги, ўзи ва сафдошларининг талабчан бўлишга ундайдиган, раҳбарият томонидан бир неча марта мукофотланган, фидойи аёл хизматдошлар ва маҳалладошлари ўртасида ҳурмат-эҳтиром билан тилга олинади.

А. ИРГАШЕВ.  
Самарқанд вилояти.

## Хотин қизлар кенгашлари фаолиятидан

## АЁЛ УМР ЧИРОҒИ

Меҳр-муҳаббат, гўзаллик тимсоли бўлган аёлларимиз бугун мустақил юрт тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида барча соҳаларда фидокорона меҳнат қилишмоқда. Улар тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашда эришилаётган ютуқларга муносиб ҳисса қўшишаётир.

Опа-сингилларимиз оилада севимли ёр, оқила уй бекаси, болаларнинг меҳрибон онаси бўлиш билан бирга хизматда ҳам ижобий натижаларга эришмоқда. Айниқса, жиноят қидирув бўлимида капитан Раънонон Қодирова, лейтенант Гулида Обидова, тергов бўлимида катта

лейтенантлар Дилноза Режабова, Шоҳида Валиева, Дилноза Мирзаева, ХООБдан капитанлар Насибохон Турғунова ҳамда Тоҳира Жабборовлар бугунги кунда касб сир-асрорларини пухта эгаллаган, жамоада ўз ўрнига эга ходималардан ҳисобланади. Вилоят ИИБ хотин-қизлар кенгаши

томонидан тизимда фаолият олиб бораётган аёлларга доимий раҳбарлик кўрсатиб келинмоқда. Бошқарма раҳбарияти, маҳаллий ҳокимликлар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий муҳофазалаш, уларнинг жамиятда тўлақонли иштирокини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди.

Шунингдек, республика ИИБ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати ва хотин-қизлар кенгаши томонидан тақдим этилган қўлланма асосида ҳар бир ходимага ҳуқуқ ва бурчи, хизмат кийимига риоя эти-

ши, ахлоқ-одоби, ҳамкасблари билан муносабатда нималарга эътибор бериши юзасидан амалий ёрдам кўрсатилаяпти.

Кенгаш аъзолари хотин-қизларга етарли шарт-шароитлар яратиб, хизмат бурчини самарали адо этишида оила аъзолари мададини таъминлаш, алоҳида ўрнак кўрсатган ходималарни рағбатлантириш борасида раҳбариятга тақлифлар киритишмоқда. Хар бир байрамда фахрийлар, ногирон аёллар, хизмат пайтида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзолари ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилаяпти.

Шоира СОБИРОВА,  
вилоят ИИБ хотин-қизлар кенгаши раиси, майор.

Наманган вилояти.



Республика ИИБ Ахборот марказининг маълумотлар бўлимида бир-бирдан лобар ҳамда латофатли хотин-қизлар хизмат қилишади. Суратда: Ахборот маркази маълумотлар бўлими ходималари.



Эътироф

СЕВИМЛИ УСТОЗ

Ёшлигидан зехни ўткирлиги, абжирлиги ва уйга берилган вазифаларни аъло даражада бажариши билан Пардаҳол ўз тенгқурларидан ажралиб турарди. Бирор синфдошининг тоби қочса, қуюнчақлик билан унинг ёнидан жилмасди. Ана шундай қуюнчақлиги ва фидойилиги боис, устозлари меҳрини ҳам қозонганди.



Мана қарийб чорак асрдирки, Пардаҳол Эрқулова малакали терговчи, жонқур мураббий сифатида ички ишлар идораларининг тергов хизматида эркаклар билан бир сафда сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда.

Гузор туманининг Эски боғ қишлоғида улғайган Пардаҳол мактабни олтин медал билан тугатиб, Тошкентга йўл олди. Мақсади шифокор бўлиб, одамлар дардига малҳам бўлиш эди. Лекин тақдир азал ҳукми ёки ризқ-насибани шифокорлик қилиб, Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ҳужжат топширди. Бунга уларнинг ёнма-ён яшовчи қариндоши Хайит Носировнинг «Мана шу қизим ҳуқуқшунос бўлади. Ўзига қолса-ку шифокор бўлмоқчи. Аммо шифокор беморнинг танасини, ҳуқуқшунос эса инсоннинг онги ва ҳулқини даволайди. Мантиқан ўйлаб қаралса, иккиси ҳам яхши касб» деган гапи унинг хаёлига ўрнашиб қолганди.

Дорилфунда ўқиш давомида у ҳуқуқ илмини пухта ўзлаштириш билан бирга, ҳарбий кафедрада ҳамширалик касбининг сир-асорларини ҳам ўрганди. Тиришқоқлиги, дарсларни пухта ўзлаштириши ва зукколиги билан аълочи талабалар қаторидан жой олди.

Пардаҳол оладан шогирдлари ҳақида сўраганимизда у киши бироз тортиниб: «Ростини айтсам, шогирдларим талайгина. Бирини айтсам, бошқиси хафа бўлиши мумкин. Шу боис, ким мени ўзига устоз деб билса, ўша шогирдим», деди.

Хизмат фидойилари

ИБРАТЛИ ҚИЗЛАРИМИЗ

Ички ишлар идораларида эркаклар билан ёнма-ён туриб юртимиз тинчлиги, осойишталигини сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида сидқидилдан хизмат қилаётган, аёлларимиз талайгина. Сирдарё вилояти ИИБ тергов хибсхонасида хизмат қилаётган катта сержант Фарида Пўлатова, сафдорлар Интизор Маробиева ва Лола Сайдалиева ҳам шундай аёллар сирасига қиради.



Суратда: катта сержант Ф. Пўлатова (чапдан), сафдорлар И. Маробиева ва Л. Сайдалиева. Муаллиф олган сурат.

Республика ИИБ ЖК ва ТҚКББ Криминал ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси катта тезкор вакили, подполковник Асқар ХОЖИМУРОТОВНИ кўтулғ 50 ёшга тўлгани билан самимий табриқлаймиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик тилаймиз. Хонадонидан файзу барака аримасин.

«ИККИ ҲИКМАТ» БОШҚОТИРМАСИ

Complex block containing a circular diagram with numbers and a grid with numbers and symbols.

Муҳтарам муштарийлар! Байрам муносабати билан эътиборингизга мўтабар онахонларимиз, азиз опа-сингилларимизга бағишланган бир жуфт бошқотиргани ҳавола қилаёғимиз. Уларнинг биринчиси – «Доира» бошқотирмасидир.

Эъзоз

Жумагул ая узоқ йиллар ички ишлар идораларида эркин ёлланган хизматчи сифатида сидқидилдан меҳнат қилди. Юрт тинчлиги, осойишталигини таъминлаш нақадар машаққатли ҳамда масъулиятли эканлигини ўз кўзи билан кўрди, дилдан ҳис қилди.

САДОҚАТЛИ АЁЛ



дейти тергов хибсхонаси катта йўриқчиси, сержант Фанихон Ёқубов. – У ўз касбига фидойи аёл. Бу инсон ўзининг ҳушмуомалиги, одоб-ахлоқи, жамоат ишларидаги фаоллиги билан ҳамкасбларига ўрнак бўлиб келяпти. Биз сафимизда ана шундай фидойи аёллар хизмат қилаётганидан фахрланамиз...

келмоқда. Натижада улар вилоят ички ишлар идораларида хизмат қилаётган хотин-қизлар ўртасидаги беллашуларда ғолиблик шохсупасидан муносиб ўрин эгаллашмоқда.

Баркамол авлод – мамлакат келажаги

«БИРИ ДОЛА, БИРИ СУНБУЛ, БИРИ ГУЛ...»

Недан яралган у – бунча бардошли, Бунча матонатни қайдан олган у? Шунча сабр-тоқат, шунча садоқат, Ахир, аёл ўзи мўъжизамасму?

Маҳлиё Мирзаева айна пайтада республика ИИБ Академияси 4-босқич тингловчиси. Уқувчилик йилларида Республика Нафис санъат лицейида тахсил олди.

тингловчилардан бири, – дейди Академия қизлар ротаси командири, майор Г. Сағдиева. – Қизлар ўртасида бўладиган турли беллашуларнинг, мусобақаларнинг доимий иштирокчиси. Бундан ташқари, у Академия таълим телевидион марказидаги «Академия янгиликлари» курсатувини олиб боради.



Формаси ўзига ярашиб турган, тингловчилари Академия янгиликларидан хабардор қилаётган бу қиз тергов фаолияти йўналиши 4-босқич тингловчиси экан.

Хизматларда

Зумрад Бакирова тиббиёт институтига кириш осон эмаслигини яхши биларди. Қолаверса, шифокорлик касбининг нечоғли масъулиятли эканлигини чуқур ҳис қиларди. Шунга қарамай, ўрта мактабни тугатгач, Андижон давлат тиббиёт институтига ҳужжат топширди. Сабаби, унинг икки акиси – Курбон ва Азизбек шифокор бўлиб ишлашар, ўз касблари билан фахрланишарди. Бу ёш Зумраднинг қалбида мазкур соҳага ҳавас уйғотганди.

ДАРДЛАРГА ДАРМОН БЎЛИБ

Зумрад Бакирова 1972 йилда институтни тугаллагач, бир неча йил Андижон тумани марказий касалхонасида шифокор-психиатр бўлиб ишлади. 1977 йилда уни Андижон вилояти ИИБ тиббиёт бўлими поликлиникасига ишга тақлиф қилишди. Ҳозирда у вилоят ИИБ поликлиникаси ҳарбий-тиббий комиссияси шифокор-психиатри вазифасида фаолият кўрсатмоқда.

– Ҳар бир киши соғлом бўлиши учун ўз организмни яхши билиши, сезгиларига қулоқ тутиши лозим, – дейди Зумрад опа. – Чунки инсон эътиборли бўлса, ўз аъзоларининг аҳолини ҳар қандай замонавий асбоб-ускуналардан ҳам яхшироқ аниқлай олиши мумкин.

Зумрад Бакирова 1993 йилдан буён вилоят ИИБ касабаси уюшмаси қўмитасига бошчилик қилаётти. Бугунги кунда касабаси уюшмаси ўз сафларига 300 дан ортиқ эркин ёлланган ходимни бирлаштирди. Уларнинг ярмидан ортиғи хотин-қизлардир. Одамлар турли масалаларда: меҳнат шaroитлари яхшилашисини, моддий ёрдам берилишини, саломатлигини тиклаб

олиши учун санаторийга йўлланма ажратилишини сўраб мурожаат этишади. Касаба уюшмаси қўмитаси аъзолари О. Уринбоева, Н. Земчик, Ю. Камолхўжаева, З. Маткаримовалар З. Бакированинг раҳбарлиги остида ушбу муаммоларни ҳал қилишади.



Албатта, касабаси ташкилоти ишлари З. Бакированинг анчагина вақтини олади. Лекин одамларга нафи тегаётганини кўриб, кетган вақтига ачинмайди, чарчоғи ҳам билинмайди. У устозлари Исфира Иванова, Илья Борухов, Эркин Башировларни ҳаммиша ҳурмат-эҳтиром билан ёдга олади. Улар шифокор ҳам бамисоли жангчи, инсоннинг ҳаёти, соғлиғини ҳимоя қилиш учун ҳар дақиқда турли хасталиқларга қарши жангга киришга шай туриши керак, дейишарди.

Турмуш ўртоғи Нусрат Бакиров билан биргаликда икки қизни воёга етказишди. Фарзандларининг кичиги Нарғиза Андижон вилояти ИИБ ЭКБда катта эксперт вазифасида хизмат қилади. Уновони капитан.

... Ҳар эрта Андижон вилояти ИИБ поликлиникаси шифокор-психиатри, касабаси уюшмаси қўмитаси раиси Зумрад Бакирова ишга шошади. Чунки унинг режалаштириб қўйган юмушлари бир талай. Ҳарбий-тиббий комиссия ишида иштирок этиши, эркин ёлланган ходимларни шахсий масалалар бўйича қабул қилиши керак. Ҳаммасига улгуриши лозим. Улгуради ҳам. Чунки унинг феъли шунақа.

Борис КЛЕЙМАН, ўз муҳбиримиз.

Суратда: Зумрад Бакирова. Муаллиф олган сурат. Андижон вилояти.

ЮЛДУЗХОННИНГ ТОЛЕ ЮЛДУЗИ

Аёл – мўътабар зот, беназир хилқат. Унинг латофати, ҳаёси ва ифати ҳар қанча мақтовга лойиқ.

Ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги подполковник Шермат Асатов турмуш ўртоғи Дилором опа билан уч фарзанд – икки ўғил, бир қизни тарбиялаб воёга етказаркан, ўзи ички ишлар ходими бўлганлиги боис фарзандларидан бири изидан бориб касбини эгаллашини жуда истарди. Шундай бўлди ҳам. Аммо ўғиллари эмас, қизи Юлдузхон ота орзусини рўёбга чиқарди. У гимназияни битиргач, Навоий индустриал-иқтисодиёт коллежининг ҳуқуқшунослик йўналишига ҳужжат топшириб, синовлардан муваффақиятли ўтди. Таҳсил пайтида устозларидан чуқур билим олди, амалий кўникмаларни эгаллади. Муваффақиятларига қўшмача саноатидан унумли фойдаланди. 1996 йилда эса мазкур коллежни имтиёзли диплом билан тамомлаган Юлдузхон ички ишлар идораларида хизмат қилиш истагида вилоят ИИБ ШТБИХга мурожаат қилди.

Билимли, қобилиятли бу қиз синовлардан муваффақиятли ўтиб, бошқарма қотибиятига катта иш юритувчиси лавозимига қабул қилинди. Орзуси ушалган Юлдузхон ўз хизмат вазифасини бажаришга астойдил киришди. Ихрочили интизоми, тартиботни мустаҳкамлаш, хатлар билан ишлаш, жойларга юборилган хатларнинг ихроси бўйича маълумотно-

маларни ўз вақтида талаб қилиб олиш ва шу каби вазифаларини, касб сирларини мукамал ўрганишга ҳаракат қилди.

Бугун у ўз соҳасини пухта эгаллаб, бошқарма раҳбариятининг, ҳамкасбларининг ишончини қозонди. Сафдор Юлдузхон Асатова қандай ишга қўл урмасин, уни сидқидилдан бажаради. Муваффақиятларга эришиш, кўпнинг ҳурматини ва ишончини қозоншининг боиси, сирини ҳам шунда бўлса керак.

– Илк ишга келган кундан бу кизда талабчанлик, ўз устида тунимсиз ишлаши, билмаганини, тушунмаганини бемалол сўраб олиш қобилияти борлигини сездим. Мана уч йилдирки, унга устозлик қилиб, хизматининг сир-асорларини ўргатиб келган бўлсам, бугун ички ишлар идораларининг бошқа соҳаларида ҳам бемалол ишлаб кетишига ишонман, – дейди Юлдузхоннинг устози вилоят ИИБ қотибияти бошлиғи, майор Обида Явқачева.

Ийгиликларга хос ўқтамлик ва шижоат билан хизмат ўтаётган Юлдузхон ҳаётида ўтган йили катта из қолдирди. Акбаржон билан никоҳ тўйлари бўлиб ўтди. Бугун улар бахтли оилалардан бири. Юлдузхон оилада суюкли ёр, ишда изланувчан, интилувчан ходим. У хизмат вазифасини тўла-тўқис бажариш билан бирга,



рўзгор юмушларига улгуради.

Хизматдаги ютуқларини турмуш ўртоғи Акбаржон, қайночаси Дилором аяси тасаввур этолмайди. Айниқса, қайночаси истеъфодаги майор Неъмат Файзиев ички ишлар идораларида хизмат қилганлиги боисми доимо келинини қўллаб-қувватлайди.

Юлдузхоннинг орзулари, режалари ҳали кўп. Жорий йилда олий таълим муассасаларига ҳужжат топшириб, ўз омадини синаб кўриш ниятида. Келажакда эса

отаси ва қайночасидек ички ишлар хизматида ҳурмат-эҳтиромга эришмоқчи. Юрт тинчлиги, халқ осойишталигини таъминлашдек машаққатли вазифани, оиладаги бурчини ҳавас қилгудек удалаётган бу қатъиятли, удабаробан Юлдузхоннинг ниятлари ижобат бўлишига ишончимиз қомил.

Абдуҳошим ЗИЁДИНОВ, лейтенант. Суратда: сафдор Юлдузхон Асатова хизмат пайтида. Навоий вилояти.

«Элу юрт посбонлари – тинчлигимиз қалқонлари» танловига

ҚАЛБИ ОРОМ БИЛМАС ДИЛОРОМ



Сўлим тоғ бағрида жойлашган «Бурчмулла» оромгоҳи ҳар йили болажонларни ўз бағрига чорлайди. Ўтган йили «Ғамхўрлик» тадбири доирасида Транспорт ИИБ воёга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими катта инспектори, майор Дилором Зокирова ҳам ана шу гўшага жалб этилди. Бир смена – ўн беш кун кўз очиб юмгунча ўтди кетди. Аммо шу қисқа вақт ичида ҳордиқ чиқараётганларнинг кўпчилиги бу болажон инспекторга меҳр қўйиб қолишди. Чунки Дилором опа улар ўртасида профилактик суҳбатлар олиб бориш билан бирга улуг аждодларимиз ҳаётидан мисоллар келтириб, юртни севиш, катталарга ҳурматда, кичикларга иззатда бўлишга ундади. Ўғил болалар билан спорт ўйинларида қатнашди, қизлар билан эса дам олиш маскани атрофидаги сойлар бўйида гуллар терди, кўшиқ хиргойи қилди. Шу тарика болажонлар қалбидан жой олди. Унинг фидойилиги эътибордан четда қолмади, албатта. Оромгоҳда болалар хафсизлигини таъминлаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга муносиб ҳисса қўшган майор Дилором Зокирова «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси касабаси уюшмаси томонидан қимматбаҳо совға билан тақдирланди.

суҳбатлар уюштираяпти. Воёга етмаганлар жиноят оламига кириб қолмаслиги учун ҳудудий ИИБ ходимлари, маҳалла фаоллари ва мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда уларнинг турмуш тарзини ўрганиб, тушунтириш ишлари олиб борилишига амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида транспорт иншоотларида 2009 йил давомиде воёга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 18 тадан 14 тага камайишига эришилди. Шунингдек, вагон ойналарини синдириш, темир йўл алоқа воситаларига шикаст етказиш каби ҳуқуқбузарликлар ҳам кам қайд этилди.

Юртимизда 2010 йилни Барқамол авлод йили, деб эълон қилиниши муносабати билан воёга етмаганлар ўртасида ана шундай тарафқашликларга йўл қўймаслик, шаклланиб келаётган ёш авлодни жинойи муҳит, диний экстремизм, ақидадарастлик ғоялари таъсиридан сақлаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида мутасадди ташкилотлар ва фуқаролар йиғинлари билан биргаликда ташвиқот-тарғибот ишлари олиб боришни кучайтиришга катта эътибор берилаяпти. Майор Дилором Зокированинг бу борада ўз режаси, қарашлари бор.

– Президентимиз айтганларидек, фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажакимиз, улар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кундир, – дейди Д. Зокирова. – Шундай экан мен ҳам улар аниқ мақсад сари интилувчан, истеъдодли ва иродали бўлиб камол топишини истайман. Яна бир тилгаим, мамлакатимизда яшаётган ҳар бир йигит-қиз эртанги кун фаровонлиги учун ҳавф-хатар, масъулиятни ҳис этиб, оғусиз дунёни барпо этишга ўз хиссасини қўшиш. Бунга эришиш учун бор билим, куч ва ғайратимни аямайман.

Қалби ором билмас Дилором опа тиниб-тинчимайди. Уни ҳали маҳалла, ҳали ўқув муассасаси ёки корхонада тадбир ўтказаяётган, бирор жамоада ёшлар билан қизгин бахslashаяётган пайтда кўрсасиз. Қўшиқчи Дилором Қайюмова ширали овози, бастакор Дилором Омонуллаева ажойиб мусикалари, суҳандон Дилором Умарова ақл-заковати, латофати билан кўпчилигимизни лол қолдирган. Ҳар бир соҳада бўлгани каби ички ишлар тизимида ҳам иктидорли Дилоромлар талайгина. Шулардан бири – майор Дилором Зокирова ўз маҳорати ва фидойилиги билан ҳамкасблари орасида ҳурмат, эътибор қозониб келмоқда.

Элмурод КҮЗИЕВ, катта сержант.

– Дилором опадаги ажойиб фазилатлар оналари Зарифа опадан ўтган бўлса ажаб эмас, – дейди ҳамкасби, Транспорт ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими катта инспектори, майор Беғали Курбанов. – Раҳматли Зарифа опа ҳаёт пайтларида гул парварликлари яхши кўрганлар. Қизлари ҳам табиатни севади, гўзалликка интилади. Кўп қаватли уйда яшашига қарамай, тувакларда эллик навадан ортиқ гуллар устираяпти. Уларнинг кўпи онамдан ёдгорлик бўлиб қолган, деб ардоқлайди, меҳрибонини соғинса баргаларини юзига суртиб, шивирлаб гаплашади, таскин топади.

Бугунги кунда воёга етмаганлар орасида иш олиб бораётган ички ишлар ходими табиатан Дилором опага ўхшаса улар билан осон тил топишади. Чунки ҳар бир ўсмирнинг ўз дунёси, қарашлари бор. Қуруқ сўз ёки бўйруқ билан унинг қалбига йўл топиш мумкин. Фақат тушуниш, оналарча меҳрибонлик билан йўл-йўриқлар кўрсатиб, танлаган йўли тўғри-нотўғрилигини аниқлаш орқалигина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Бу вазифани Дилором опа удалаяпти.

Дилором Зокирова Тошкент темир йўл муҳандислари институтини битиргач, муҳандис бўлиб иш бошлади. Аммо орадан ҳеч қанча вақт ўтмай яхшигина лавозими, маоши, обрў-эътибори бўлгунча касбини ўзгартиришга аҳд қилди. Гап шундаки, Дилором опа мактабда ўқиб юрган кезлариёқ эгнига ички ишлар ходими либосини кийган аёлларга ҳавас билан боқарди. Яна бир томони, каттиққўл онаси уни ҳам худди ўзига ўхшаш қилиб тарбиялади, ҳамма нарсадда талабчан бўлишга ўргатди. Ана шу жиҳатлар уни ички ишлар идорасига етаклади.

У 1995 йилда Тошкент шаҳар ИИББга эркин ёлланган ходим бўлиб ишга кирди. Орадан икки йил ўтгач ниятига етиб, эгнига ўзи орзу қилган либосини кийди. Шундан сўнг республика Ички ишлар вазирлиги Жақон ижро этиш бош бошқармаси тизимидаги муассасалардан бирида фаолият кўрсата бошлади. Тан олиши керак, дастлаб хизматга кўникиш анчаинан оғир кечди. Чунки жиноят содир этиб, бир неча йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган

маҳбуслар билан ишлаш осон эмас эди. Аммо қийналган пайтлари бўлим бошлиғи, полковник Людмила Нам жонига аро кирарди.

Дилором опа ўзига устозлик қилган бу аёлга қараб завқланар ҳамда у каби ютуқларга эришишни хоҳларди. Унинг маслаҳати билан ИИБ Академиясининг сиртки бўлимига ўқишга кирди. Орадан ўн йилдан ортиқ вақт ўтса ҳамки Людмила Филипповнанинг ўғитлари, йўл-йўриқлари ҳозир ҳам қулоқлари остида жарағлаб туради.

Тошкент темир йўл муҳандислари институти ўқитувчиси Аҳмад-жон Назаров қизи Дилором ўзи севаган касбда ишлаётганидан қувониб юради. Бўлмасам-чи, ахир қўзининг оқу қароси юртимиздаги қўллаб ички ишлар ходимлари сафида эл тинчилиги ва осойишталигини таъминлашга ўз хиссасини қўшиш керак экан, бундан фахрланса арзийди. Раҳматли онаси ҳаёт бўлганда бахт сурурини бирга суради. Тақдир экан, қўша қарши насиб этмади. Ҳозирги кунда овунчоғи – набираси Гўзал. У «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясида муҳандис бўлиб ишлайди. Бўш қолди дегунча «буважон, буважон» дея атрофида парвона. Бундай пайтда Аҳмад-жон ака уни бағрига босиб, суйиб эркалайди. Ҳа, фарзандларимиз ҳаётиимиз маъносини, айниқса, данагидан мағзи ширин дейишгани тўғри экан.

Аҳмад-жон ака ана шундай ҳиссиётлар таъсирида юганида Дилоромни Транспорт ИИБ воёга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлимига ишга ўтказишганини билиб ич-ичидан қувонди. Назарида қизи энди ўзига мос жойни топгандек эди. Сабаби, у битирган институти



темир йўллар билан боғлиқ, қолаверса, болажонлиги айнан шу хизматда асқотади. Шу боис эрталаб нонушта қилишаётганда: «Кўнглимдаги иш бўлибди, қизим, ўзинга билдирилган ишончини оқла», – деди Аҳмад-жон ака. Дилором жилмайганча отасининг юзидан ўйиб, хизматга отланди.

«Ота рози – Оллоҳ рози», дейилади муқаддас ҳадиси шарифларда. Дилором Зокирова ўз тиришқоқлиги билан бирга ота дуолари ижобат бўлаётгани туфайли ҳам ишда ютуқларга эришаётган бўлса ажаб эмас. Ҳозирда у воёга етмаганлар томонидан транспорт иншоотларида содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда бор маҳоратини ишга соляяпти. Хўссудан, мунтазам ўтказилаётган «Ойна», «Усмир», «Таътил», «Ғамхўрлик», «Орият» каби тезкор профилактик-оғоҳлантирув тадбирларида ҳамкасблари билан фаол иштирок этмоқда. Болаларнинг дунёқара-лини шакллантириш мақсадида темир йўл атрофидаги корхона, ташкилот, ўқув муассасалари ва маҳаллаларда бўлиб, турли мавзуларда учрашувлар, мулоқотлар ва

ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДА



Бир гал мактабга ички ишлар ходимлари келиб, ҳуқуқий мавзуда суҳбат ўтказишади. Суҳбатдан сўнг Сайёра уларга ички ишлар идораларида хизмат қилиш орзуси борлигини айтади. – Бизнинг хизматда ҳам хотин-қизлар ўз ўрнига эга, – дейди уллардан бири. – Эркақлар билан бир сафда тинчлик, осойишталик учун хизмат қилиш шарафли.

Уларнинг тақлифи, берган маслаҳати Сайёранинг қалбидеги орзу чўғини янада ангалатади. Вилоят ИИБга ишга киришга ариза берган С. Холмирзаева синовлардан муваффақиятли ўтиб, хизматга қабул қилинади. Сафдор С. Холмирзаева айна кунларда вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ мун-

шайхонаси бошлиғи лавозимиде ишлаяпти. Сайёра санъат, адабиётга қизиқади. Китоб ўқиш ишончи севимили иши. Гоҳ-гоҳида эса шеър қоралаб туради.

– Инсон эзгулик учун курашаётганда иккиланмай олға интилиши керак экан, – дейди С. Холмирзаева. – Ички ишлар идораларида хизмат қилиш ҳам машаққатли, ҳам шарафли. Қийналиб қолган пайтимида, ишлар кўпайиб кетганида орзуим амалга ошганига шукрона қилиб, ўзимга далда бераман.

Баҳодир БЕГИМКУЛОВ, майор.

Суратда: сафдор Сайёра Холмирзаева. Муаллиф олган сурат. Жиззах вилояти.

Table with 2 columns listing various police officers and their achievements. Column 1: Фаргона вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Учкўприк тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, майор Қ. Ориповга падари бузруквори СОБИРЖОН ОТАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қиладилар. Column 2: Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи, подполковник М. Исmoilовга онаси ХОЛИСХОН АЯНИНГ вафот этганлиги муносабати таъзия изҳор қиладилар. Column 3: Республика ИИБ Тергов бош бошқармаси раҳбарияти, шахсий таркиби ва ИИБ Фахрийлар кенгаши Тергов бош бошқармасининг собиқ ходими, ички ишлар идоралари раҳбарисини, истеъфодаги полковник Курбонтурди ХАЛИКОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар. Column 4: Транспортдаги ИИБ Тошкент темир йўл бекати тармоқ ИИБ Йўловчи поездларни кузатиш ишларини ташкил этиш отряди инспектори, капитан Р. Холиқулова падари бузруквори ХУДОЙНАЗАР ОТАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар. Column 5: Қоракалпоғистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вазирлигининг Шахсий таркиб бўйича махсус инспекцияси катта тезкор вакили, майор Қ. Узақбаевага отаси ГАЙИМБАЙ УЗАҚБАЕВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради. Column 6: Транспортдаги ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби, Тошкент темир йўл бекати тармоқ ИИБ Йўловчи поездларни кузатиш ишларини ташкил этиш отряди Самарқанд гуруҳи милиционер, катта сержант А. Ҳамраевага падари бузруквори ЭРНАЗАР ОТАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қиладилар.



# АЁЛ БОРКИ, ОЛАМ МУНАВВАР

## УМР ҲИКМАТИ... САОДАТИ

Дунёда дилбанднинг «оҳ» деган ноласини эшитиб, унга ёрдам беришга илоҳсиз қолган она гамидек чексиз ғам бўлмаса керак...

Олим бор, олам бор. Аёл борки, олам ҳам, олим ҳам, заргар ҳам топилади...

Аёлни бошқараман, дея катта кетган эркак, вақтлар ўтиб ўзининг аёл томонидан бошқарилаётганини сезиб қолса, бунга ҳеч ҳам ажабланмасин...

- Энг оғир гуноҳ нима?
- БАТАНГА ХИБНАТ.
- Энг юмшоқ нарса нима?
- Она меҳри.



## БИР ҲОВУЧ ЖАВОҲИР

Тангри аёллар билан яхши муомалада бўлишларингизни тавсия этади, чунки улар оналарингиз, қизларингиз, холаларингиздир.

Ҳадис.

Онанинг қарзини етмиш ҳазина билан ҳам узиб бўлмайди.

Ҳикмат.

Келди ажойиб, чиройли баҳор, қанча гўзаллик десанг унда бор. Сочмоқда ёмғир хушбўй томчилар, Оқ тўнин ечди ер юзидан қор.

Рудакий.

Муҳаббат ўтида ёнмаса кўнгил, Холига вой дегил, бемору захил. Муҳаббатсиз ўтган ҳар бир кунинг, бил: Умрингдан беҳуда кетмиш беҳосил.

Умар Хайём.

Оқила, тadbиркор бўлса гар аёл, Кўлдаги игнаси ёй ўқи мисол. Эр киши тирноқча иш қилса агар, Яхши бекачи уни минг бор оширар.

Хосрав Дехлавий.

Ёшлик, телбаликни чиқар бошингдан, Онанг хизматида бўлгил ёшингдан.

Носир Хусрав.

## ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДА ГЎЗАЛЛАР МАДҲИ

Ўшал жононанинг ишқи ўтиндин мулки жон куйди, Не мулки жонки, олам ичра пайдою нихон куйди... Басе куйган бу йўлда тўлди анинг ишқи ўтиндин, Вале Ҳофиз бикин ул жони куйганлар қачон куйди.

Ҳофиз Хоразмий.

Қаро кўз бизга ғамза қилиб юз минг жафо қилма, Қарашма бирла оламни менингтеқ мубтало қилма... Эй Саккокий, бу шох қобқин ганимат тут-чулзулфинга Озоқип боғлагон қушсен, учарга ҳеч ҳаво қилма.

Саккокий.

Ул санамким, сув яқосинда паридек ўлтурур, Ғояти нозуқликдин сув била ютса бўлур... Кошларинг ёсин Атойи кўргали хусн ичра ток, Субҳидам меҳробларда сураи ёсин ўкур.

Атойи.

Эй насими субҳидам, мендин нигоримга салом, Ул сочи сунбул, юзи гул, навбахоримга салом... Тобуғингда нечаким арз айлади холин Гадо, Демадинг бир кунки, мискин хокисоримга салом.

Гадоий.

Бир кун мени ул қотили мажнуншиор ўлтургуси, Усрук чиқиб, жавлон қилиб девонавор ўлтургуси... Дерлар Навоий қатлига гул-гул очибдур оразин, Кўргунча они, войким, бу хорхор ўлтургуси.

Алишер Навоий.

Кўлим қотил этагинда, бошим тандин жудо бу кеч, Бу қотил кўллари қонимни рангидан ҳино бу кеча, Нечин бу холи зоримга неча оҳангда инграр занг, Нечун серғаша Сўфийдек йўқолиш мудоа бу кеч.

Сўфий.

Дедимки: «лола терсам...» тикони кўлга келди, «Зулфин кўрай» деб борсам, илони кўлга келди... Нахлий шому субҳидам нотавон йиғлагайман, Келарму пайтки, зулфи райҳони кўлга келди.

Нахлий Бухорий.

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**КҮЙ.**  
Ўз ҳақингизда ўйлаш, қайғуришни ҳам унутманг. Яхши дам олиб, хордиқ чиқаришга вақт ажратинг. Турмуш ўртоғингиз билан муносабатни бузмаслик учун муроасага келиб, ён босиш маъқул бўлади. Мақсадга эришиш, зиммадаги вазифани бажариш осон кечмаслигини эслатиб ўтамиз. Янги имкониятлар туғилиши мумкин. Саломатликни сақлаш ва мустақамлашни ҳам эсдан чиқарманг.

**СИҒИР.**  
Ҳафтанинг биринчи ярмида катта режалар, янги гоёлар туғилиши мумкин. Истиқболли лойиҳалар пайдо бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Ҳаддан ташқари кўп ишлаш саломатликка зарар етказишни унутманг. Сўхбатдош, мулоқотчиларни қанчалар олган маъқул. Бекорчи гаплар қимматли вақтнинг кушандаси бўлади. Мақсад ва гоёларда ҳамфиқр эски танишлар билан учрашишни маслаҳат берамиз.

**ЭГИЗАКЛАР.**  
Юлдузлар ишқий муносабатларга киришмай туришни маслаҳат бераяпти. Бу омадсизликка олиб келиш эҳтимоли бор. Тавақалчилик ҳам доимо ижобий яқун топмаслиги мумкин. Қонун-қондаларга эид ишларга кўл урмаган маъқул. Мақсадга эришиш йўлида дадил, ҳалол ҳаракат қилиш омад келтиради. Бунинг учун имконият туғилиши кутилаяпти.

**ҚИСКИЧБАҚА.**  
Ҳафтанинг биринчи ярми янги билимларни эгаллаш, тажриба орттириш учун қулай бўлиши кутилаяпти. Узингиз учун зарур бўлган билимни олишга имкон топинг. Мавқенингизни ошираман, деб ноҳуя қадам ташлаб қўйманг. Янги билим эгаллаш, бу йўлда ўзингизга устоз топиш ва машғулоти давом эттириш учун ҳафтанинг иккинчи ярми қулай бўлади. Узаро муносабатларда муроасозлик энг мақбулдир.

**АРСЛОН.**  
Юлдузлар айрим ишларда тавақалчилик ва дадиллик талаб этишини маълум қилмоқда. Бирок қош қўяман деб кўз чиқармаслик билан ўтказиш, саёхатларга бориш, хорижликлар билан мулоқот қилиш учун ноқулай келишни эслатиб ўтамиз. Яхши билмаган ишга кўл урмаган маъқул. Саломатликни сақлаш учун ўзбилармончилик қилмасдан шифокорга мурожаат этишни маслаҳат берамиз.

**БОШОҚ.**  
Ҳафтанинг биринчи ярмида шахсий алоқаларни ривожлантириш учун қулай келиб, муносабатларнинг янги қирралари очилиши учун имконият туғилиши кутилмоқда. Янги танишуларда ўйлаб иш тутиш лозим бўлади. Молиявий масалаларда зуққолик, эҳтиёткорлик талаб этилади. Муаммоли масалаларни ҳал этишда бамааслаҳат иш кўрган яхши. Бунда ташаббусни ўз қўлингизга олинг.

**ТАРОЗИ.**  
Юлдузлар бу ҳафтада кўп ишлаш, тер тўкиш лозимлигини дарак бераяпти. Иш маромини белгилаб олиб, бир четдан бошласангиз кўзлаган мақсадга эришасиз. Ҳафтанинг иккинчи ярмида айрим қийинчиликлар пайдо бўлиши мумкин. Қариндошлар билан турмуш ўртоғингиз ўртасидаги келишмовчиликларга аралашмаган маъқул. Яхши, ўз ишингиз билан шуғулланиб, саломатлигингиз ҳақида қайғуринг.

**ЧАЁН.**  
Ҳафтанинг биринчи ярмида қайфиятлар аъло бўлиб, вақтни ҳушқачқаклик билан ўтказиш имконияти кутилаяпти. Кўнгилочар тadbирларга кўпман берилверманг. Даволаниш учун вақт ажратинг. Яхши қайфият ҳафтанинг иккинчи ярмида ҳам давом этиши мумкин. Болалар назорати, уларга эътибор эсдан чиқмасин. Сизни янги танишлар, ижодий ишлар кутаяпти.

**ЁЙ.**  
Уй, оила, яқин қариндошлар ва кўчмас мулк билан боғлиқ масалаларда ҳафтанинг биринчи ярми омадли келиши мумкин. Сервешларнинг муносабатларига аралашмасликни маслаҳат берамиз. Ҳафтанинг иккинчи ярмида сарф-харажатларни қисқартириш лозим. Кераксиз совға, харидларни қисқартиришга тўри келади. Оилавий ишларда ташаббус кўрсатиб, дадил ҳаракат қилинг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ.**  
Ҳафтанинг биринчи ярми сўхбатларга бой бўлади. Ҳар бир гапни ўйлаб сўзлашга ҳаракат қилинг. Ортиқча гап бошга бало келтиради, деб бежиз айтишмайди. Қисқа саёхатга чиқишингиз мумкин. Кўчмас мулк, қурилиш масалаларида шовилмаслик лозим бўлади. Оилада худбинлик қилмай, меҳр-муруватли бўлсангиз хурматингиз янада ошиб, атофдагилар ҳавас қиладиган даражага эришасиз.

**КОВҒА.**  
Юлдузлар ҳафтанинг биринчи ярми молия масалаларида омадли келишидан дарак бераяпти. Аниқ қарорлар қабул қилишга эришиш лозим бўлади. Саёхатга чиқсангиз эҳтиёткорлик ва ҳушёрликни йўқотмасликни маслаҳат берамиз. Нотаниш кишиларга яқинлашманг, танишмаган маъқул. Бу айрим қўнгилсизликларнинг олдини олиши мумкин. Молиявий масалаларни ҳал этишда бор тажриба ва билимни ишга солинг.

**БАЛИҚ.**  
Ҳар бир ишда ташаббус ва мойиллик зарур бўлади. Бу ақлий қобилият, ижодий ишларнинг ривожига сабаб бўлиши мумкин. Молиявий масалаларда диққат-этиборни бир томонга қаратиш ярамайди. Бу ишга дўстларни аралаштирмаган маъқул. Тижорат ишлари, лойиҳаларда қатнашмай туришни маслаҳат берамиз.

## Абдулла қизик ҳангомалари

### ВАЗИФА

Котиба қиз бош шифокорнинг олдига йиғлаб кирибди:

- Анови ўринбосарингиз мени ўпи олди!
- Энди сизам тўғри тушунинг, - дебди шифокор салмоқлаб. - Ҳамма ишга ўзим улгуролмасам нима қилай?

### БУНАҚАСИ БЎЛМАГАН

Икки килолик товук беш килолик туҳум туғибди. Дунё матбуотчилари тўпланишиб, хўроздан: - Бу муваффақиятга қандай эришдингиз? - деб сўрашибди.

- Туяқуш кўлимга тушса, ўлдираман! - дебди хўроз жаҳл билан.

### ҲАЁЛ АЁЛГА КЕТГАЧ...

Шоирларимизга тан бераман: бир нарсани қоралашса, бас, ўтиргани жой тополмай қолишади. Ё шеърини бирор тахририятга жўнатиб тинчтишади, ё бирор дўстига ўқиб бериб. Шоир акаимиз кетаяпти, кўлларида шеър, юракларида ҳаяжон... Ўртоғи учраб қолибди. - Янги шеър ёздим, эшитгин оғайни! - унга хитоб қилибди шоир. - Қани ўқи-чи! - дебди дўсти. - Ҳаёл кетиб аёлга, аёл келди ҳаёлга. Аёл келиб ҳаёлга, ҳаёл кетди аёлга. - Лаббай, - ўртоғининг ҳаёли гангиб қолибди. - Қайтар, - дебди.

- Ҳаёл кетиб аёлга, аёл келди ҳаёлга. Аёл келиб ҳаёлга, ҳаёл кетди аёлга! Шоир илҳом билан шеърини такрорлабди.

Оғайини шоирнинг афт-башарасига синчиклаб қараб сўрабди. - Бу шеърингни мендан олдин ҳам бирор тасига ўқиб берганмидинг? - Ҳа, ўқиб бергандим, - шоир ҳайрон бўлиб қолибди. - Қайдан билдинг? - Кўзингнинг ости кўкариб турибди-ю! - дермиш дўсти.

### БИР МЕТРИ БИР ЎГИЧ

Бир жонон дўконга кириб саккиз тепки атласга харидор бўлиб, нархини сўрабди. Сотувчи шилқимроқ экан, қизнинг қадди-қоматига суқланиб боқиб жавоб қилибди: - Сизга пулга сотармидик... Бир метри бир ўғич.

Қиз ҳам дангалчи экан: - Ўн метр ўлчанг! - дебди. - У-ў-ў! - деб йигит шошиб-пишиб атлас ўлчаб, қизга тутқазибди. Қиз атласни кўлтига қисиб, эшик томон юрибди. - Оппоқ қиз, бу ёғи насия бўлиб қоляпти-ю? - дебди йигит. - Ташвиш қилманг, - қиз пинак бузмай жавоб қилибди. - Ҳозир энамни юбораман, расчёт қилиб кетади!



8 МАРТ БУГУН — ОНАЖОНЛАР БАЙРАМИ!

## ДИҚҚАТ!

### Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»

- Ўзбекистон Республикаси (8-371) 233-22-33
- Ички ишлар вазирлиги (8-371) 233-39-39
- Қорақалпоғистон Республикаси
- Ички ишлар вазирлиги (8-361) 222-56-76
- Тошкент шаҳар ИИББ (8-371) 232-03-30
- Андижон вилояти ИИБ (8-374) 224-87-50
- Бухоро вилояти ИИБ (8-365) 224-64-86
- Жиззах вилояти ИИБ (8-372) 226-03-02
- Навоий вилояти ИИБ (8-436) 223-06-71
- Наманган вилояти ИИБ (8-369) 226-60-55
- Самарқанд вилояти ИИБ (8-366) 233-00-00
- Сирдарё вилояти ИИБ (8-367) 225-33-30
- Сурхондарё вилояти ИИБ (8-376) 227-25-51
- Тошкент вилояти ИИБ (8-371) 264-18-32
- Фарғона вилояти ИИБ (8-373) 224-29-08
- Хоразм вилояти ИИБ (8-362) 226-37-10
- Қашқадарё вилояти ИИБ (8-375) 221-82-45
- Транспорт ИИБ (8-371) 252-61-39
- ИИБ ҳузурдаги «Қўриқлаш» бирлашмаси (8-371) 236-23-70

## ЭЪЛОН \*\*\* ЭЪЛОН \*\*\* ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ППХ ва ЖТСББ Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қўриқлашни таъминлаш бўйича алоҳида милиция батальони-га 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган, бўйи 175 см.дан кам бўлмаган, Қуролли Кучлар сафида хизмат ўтаб келган, камида ўрта маълумотга эга бўлган, соғлом, Тошкент шаҳри, Тошкент вилоятининг Зангиота, Янгийўл, Тошкент, Қибрай ва Ўртачирчиқ туманларида муқим яшаш жойига эга бўлган шахслар танлов асосида ишга қабул қилинади.

Маълумот учун телефонлар:

232-62-09, 231-48-07, 239-88-41.

Манзил:

Чилонзор тумани, Олмазор мавзеси 17-уй.

Мўлжал:

Бешёғоч майдони, Муқимий театри.